

СОЛИҚ ва
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 32 (1356) • 2020 йил 11 август

ISSN 2010-524X

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ:

✓ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

САМАРАЛИ КУРАШ УЧУН БИРЛАШИШ ЗАРУР

- Сўнгги 5 йилда саноатда норасмий сектор улуши 20%дан 6%га тушган
- Солиқларнинг юқори даражадалиги яширин иқтисодиётнинг палак отишига туртки беради
- Маъмурий чоралар минимал маошни ошириш каби иқтисодий механизмлар билан биргаликда қўлланилмоқда
- Давлат, бизнес ва кенг жамоатчиликнинг яқин ҳамкорлигини таъминлаш керак

Шу йилнинг 27 июль куни Президентимиз раҳбарлигида яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган йиғилишда мамлакат раҳбари ушбу йўналишда етарли даражада ишлар қилинмаётганини танқид қилди.

Масаланинг бундай кўндаланг кўйилгани бежиз эмас. Бу муаммо нафақат мамлакат бюджетидан, демалки халқ чўнтагидан айланб ўтаётган жуда катта маблағ, балки мамлакат ривожига тўғаноқ бўлаётган тўсиқ ҳамдир.

Аксар ривожланган давлатларда яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 7-15 фоиз оралиғида, АҚШ, Австрия, Швейцарияда 10 фоизга етмайди. Аксинча, солиқ иттифоқ таркибига кирган давлатлар, бир қатор Осиё ва Африка мамлакатларида бу кўрсаткич йиллар давомида ниҳоятда банд — ЯИМнинг 30-50 фоиз оралиғида қолаётганини кўриш мумкин. Оқибатда бу муаммо ушбу давлатлар иқтисодиётини пастга тортаётган оғир тошга айланган.

Шу ўринда савол туғилади: Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг даражаси қандай? Ривожланган давлатлар нима ҳисобига бундай натижага эришса олгану, уларнинг қайси тажрибалиридан Ўзбекистонда фойдаланиш мумкин?

Кейинги тўрт йилда амалга оширилаётган давлат сиёсати доирасида 2018-2019 йилларда илк бора яширин иқтисодиётнинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини оид тадқиқотлар ўтказилди. Таҳлиллар яширин иқтисодиёт даражаси ЯИМга нисбатан 40-50 фоиз атрофида эканини кўрсатди.

Мамлакатлар ЯИМда яширин иқтисодиёт улушини баҳоловчи Халқаро валюта жамғармаси рейтингига муносабат қилсак, Ўзбекистонга ўхшаш аҳолини Украина ва МДХга аъзо айрим мамлакатлар ҳамда Гамбия, Белиз, Конго, Гондурас каби давлатларда кўриш мумкин.

Бундай вазиятнинг вужудга келиши яширин иқтисодиётни «гуллатишга» ҳисса қўшаётган «уддабурон тадбиркорлар»нинггина эмас, уларга ҳомийлик қилаётган айрим амалдорларнинг ҳатти-ҳаракатлари натижасидир. Шунинг учун ҳам давлат раҳбари бу иллатларга нисбатан жамиятда нафрат туйғусини шакллантириш лозимлигини таъкидлаётгани бежиз эмас.

Албатта, Ўзбекистон ЯИМда яширин иқтисодиётнинг ҳозирги даражаси бир йилда, беш ёки ўн йилда шаклланиб қолмагани аниқ. Балки солиқ иттифоқ давридан буён давом этиб келаётган иллатдир. Лекин ўтган даврда муаммони тизимли равишда қамайтиришга доир амалий чораларга эътибор қаратилмади. Фақатгина кейинги йилларда амалга оширилаётган тизимли ишлар туфайли ўтган 5 йил ичида саноатда норасмий сектор улуши 20 фоиздан 6 фоизга тушганлигини бу борада эришилган катта натижа сифатида эътироф этиш лозим.

Мамлакатимиз яширин иқтисодиётнинг улушини қамайтиришни режалантираётган экан, у билан муваффақиятли курашаётган давлатлар тажрибаси кизиқиш уйғотиши табиий.

Айниқса, Европа давлатлари тажрибаси эътиборга молик. Ушбу давлатларнинг аксарияти яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда солиқ механизмларига бирламчи эътибор қаратганини кўриш мумкин. Чунки айнан солиқларнинг юқори даражадалиги кўп ҳолларда яширин иқтисодиётнинг палак отишига туртки берадиган омиллардан ҳисобланади. Германия, Австрия, Дания, Швеция, Испания, Туркияда бу иллатга қарши курашда тадбиркорлик субъектларига солиқ юкни пайсатириш йўлидан боририлганлигини кўриш мумкин.

Германияда фақатгина уйда меҳнат қилувчиларга солиқларнинг қамайтирилиши қисқа муддатда 4,8 млн шундай фаолият юритувчиларни ёки 16 ёшдан 64 ёшгача бўлган аҳолининг 13 фоизи расмий рўйхатдан ўтиб, солиқ тўловчилар сафига киришига асос яратди.

Яширин иқтисодиётнинг асосида турувчи яна бир муаммо нолегал ишчи кучидан фойдаланиш билан боғлиқ. Германияда бу муаммони ҳал қилиш мақсадида меҳнат бозори устидан назоратни босқичма-босқич кучайтириш каби маъмурий чоралар минимал ойлик маошларини ошириб бориш каби иқтисодий механизмлар билан биргаликда қўлланилмоқда. Мамлакатда аноним тарзда ишга таклиф қилишга йўл қўйилмайди. Ишга таклифга оид эълонлар иш берувчи тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни ўзида қамраб олган бўлиши шарт.

Бундан ташқари, Германия қонунларига кўра, нолегал меҳнат кучидан фойдаланган корхоналар уч йилгача давлат харидларида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Испанияда бундай ҳолатларда тадбиркорлик субъекти жуда катта миқдорда жаримага тортилиб, беш йилгача давлат харидларида иштирок қилишдан четлатилади.

Германияда энг коррупσιοген соҳалардан бири қурилиш ҳисоблангани учун ушбу тармоқни тартибга солувчи қонунларга ҳам айрим ўзгаришлар киритилди. Хусусан, **йирик тендерларни фақат битта корхона ютиб олишига йўл қўйилмайди**. Бундай тендерларга бир-бирдан мустақил икки ёки ундан кўп тадбиркорлик субъекти жалб қилинади. Уларнинг битта одамга ёки манфаатдор бирорта ташкилотга боғлиқ экани аниқ бўлиб қолса, бу жиноят иши очишга асос бўлади. Яна бир эътиборли жиҳати, тендерда ютиб чиққан корхоналарнинг бирортасида нолегал ишчи жалб қилиниши ёки ижтимоий тўловлардан қочиш ҳолатлари аниқланса, бунинг учун коллегиял жавобгарлик белгиланган — қурилишда иштирок этаётган барча тадбиркорлик субъектлари биргаликда жавобгарликка тортилади.

Европада давлат ходимларининг яширин иқтисодиётга ёки бошқа коррупцион ҳолатларга аралашиб қолишининг олдини олиш мақсадида қонунчиликда бир қатор нормалар кўзда тутилган. Хусусан, **Буёқ Британияда** вазирликка даъвогар лавозимга тайинланишдан олдин ўзининг кўчмас мулклари, даромад манбалари тўғрисида ҳаққоний ҳисобот тақдим этиши лозим. Агар кейинчалик бирор маълумот яширилгани аниқлангудек бўлса, бу ҳолат вазирнинг истефо беришига асос бўлади. Германияда давлат тизимидаги лавозимни эгаллаган раҳбар шахс на ўзи, на ишончли вакиллари орқали тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш, тадбиркорлик субъектлари бошқарувида ёки уларнинг назорат кенгашлари фаолиятида иштирок этиши мумкин эмас. Мамлакат қонунчилигида нафақат коррупция ҳолатларига, балки ноқонуний йўл билан топишган даромадни легаллаштиришга бўлган ҳаракатларга йўл қўймасликка ҳам жуда катта эътибор қаратилган.

Канада қонунчилигида парламент вакиллари коррупцияга аралашини Конституцияга қарши ҳаракат ва ҳатто давлатга хиёнат билан баравар ҳолат сифатида баҳоланади. Ушбу давлатларнинг барчасида кўриб чиқилаётган масалалар билан алоҳида ваколатли ташкилотлар шугулланади.



Алоҳида эътиборга молик жиҳатлардан бири — мазкур давлатлар жамоатчилигида ҳар қандай иқтисодий махинациялар ва коррупция ҳолатларига ниҳоятда каттик салбий муносабат шаклланганлиги. Жамиятда ушбу иллатларга нисбатан шаклланган бундай фикр уларга қарши курашда жуда катта таянч нуқталардан бири бўлиб хизмат қилади.

Хитой, Ҳиндистон, Филиппин, Мўғлистон ва Вьетнам каби давлатлар ҳам кейинги йилларда яширин иқтисодиётга қарши курашишда катта муваффақиятларга эришганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларда баъзи ўзига хос ёндашувлар ҳам қўлланилмоқда. Масалан, Филиппинда яширин иқтисодиётга қарши курашда кенг жамоатчилик кучига таянганлигини кўриш мумкин. Аҳолининг катта қисмига хизмат қилувчи кичик савдо шохобчаларида «Чекни талаб қил» каби акцияларнинг ўтказилиши уларда банкдан ташқари пул айланишига барҳам беришга хизмат қилган. Дунё амалиётида Ўзбекистон учун ҳам кизиқиш уйғотадиган кўплаб ўзига хос бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд.

Эндиги масала мамлакатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифани тезликда ҳал қилиш, яъни муаммога қарши курашиш борасида пухта ишланган стратегияни ишлаб чиқиш. Белгиланган ишларни муваффақиятли амалга оширишда Президентимиз томонидан илгари сурилган бир ғоя айниқса муҳим, у ҳам бўлса, давлат, бизнес ва кенг жамоатчиликнинг яқин ҳамкорлигини таъминлаш.

Албатта, ғоят машаққатли ва тинимсиз курашиш талаб этиладиган ишларнинг барчасини бажариш мумкин, кенг жамоатчилик, айниқса, тадбиркорлик субъектларини бу умумхалқ ишига кенг жалб қила олсак, янгиланаётган Ўзбекистонда шу каби масалаларга ечим топилади, мамлакатимиз келажақда юқоридаги рейтингларда ўз муносиб ўрнини эгаллайди.

Бахтиёр ЯКУБОВ,
О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси
раисининг ўринбосари.

(ЎЗА материали асосида, қисқартирилган ҳолда берилмоқда).

ҚҚСни ЧОРАКЛИК АСОСДА ТЎЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ



Товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмаси ойига 1 млрд сўмдан ошмайдиган ва электрон ҳисоб-фактураларни қўллайдиган ҚҚС тўловчилар 2020 йилнинг 1 апрелидан 31 декабрига қадар ҚҚСни ҳар чорақлик асосда ҳисоблаш ва тўлаш ҳуқуқига эга (3.04.2020 й. ПФ-5978-сон Фармойнинг 4-б. «б» кичик б.). II чорақда кўпчилик мазкур ҳуқуқдан фойдаланди. Шунга қарамай III чорақ учун хабарнома беришдан олдин, буни эса 20 августга қадар бажариш зарур, бухгалтерларда яна саволлар туғилмоқда. Vuxalder.uz илтимосига биноан уларга молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ жавоб берди.

? *Молия вазирлигининг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сон тушунтириш хатида келтирилган мисолларда ҚҚС тўловчи ҳар чорақлик асосда ҳисобот тақдим этишига ҳақли эканлигини аниқлаган ҳолда реализация бўйича айланма ҚҚС ҳисоб-китобининг 020-сатри бўйича ҳисобга олиш лозимлиги кўрсатилган. Бироқ бу сатрда реализация бўйича айланма эмас, балки фақатгина айланма бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилади. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмани қандай қилиб ҳисобга олиш лозим – ҚҚСсизми ёки солиқни ҳисобга олган ҳолдами? Ўзбекистон реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган хизматлар кўрсатиш бўйича айланма ҳисобга олинадими?*

– Нима товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланиши СКнинг 239-моддасида келтириб ўтилган. Бунда айланмани аниқлаш Ўзбекистон реализация қилиш жойи деб эътироф этилишига боғлиқ эмас.

Реализация қилиш жойи фақат ҚҚС бўйича солиқ солиш объектини аниқлашда ҳисобга олинади (СК 238-м. 1-б. 1-қ.).

Ҳар чорақлик асосда ҳисобот тақдим этиш ҳуқуқинингизни аниқлашда реализация қилиш бўйича умумий айланмани ҳисобга олинг. ҚҚС бўйича ҳисоботда у Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобига (1-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) 1-илова «Солиқ давридаги товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар»да куйидаги сатрлар бўйича 3-устун маълумотларини кўшган ҳолда акс эттирилади:

• 010-сатр «Солиқ давридаги товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмалари, жами ((0101-0108-сатрлар йиғиндисини) - 0109-сатр)»;

• 020-сатр «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган хизматларни кўрсатиш бўйича айланма».

ҚҚС ҳисоб-китобининг 020-сатрида 1-илованинг 010-сатри 4-устундан товарларни (хиз-

матларни) реализация қилиш айланмалари бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилади.

3-устунда реализация қилиш айланмалари ҚҚСсиз акс эттирилиши боис, ҳар чорақлик асосда ҳисобот тақдим этиш бўйича нормани қўллаш мақсадида реализация қилиш айланмасини ҚҚСсиз ҳисобга олиш лозим.

? *2020 йилнинг III чорақда корхона ҳар чорақлик асосда ҚҚС бўйича ҳисобот тақдим этиш ҳуқуқидан фойдаланишига қарор қилди. Бунинг учун 20 августга қадар у солиқ органларига махсус хабарнома тақдим этиши лозим. Июль ва август ойларида реализация қилиш бўйича айланма 1 млрд сўмдан ошмайди. Бироқ сентябрь ойида – ошиши мумкин. Қандай қилиб бу ҳолатда корхона III чорақ учун ҳисобот топшириши керак – ҳар ой (июль, август, сентябрь) учун 3 та ҳисобот топширадими ёки битта чорақлик ҳисоботиними?*



– Агар сентябрь ойида реализация қилиш бўйича айланма 1 млрд сўмдан ошса, корхона ҳар чорақлик асосда ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳуқуқини йўқотади. Тегишинча, у солиқ ҳисоботини июль, август ва сентябрь ойлари учун алоҳида тақдим этиши ва 2020 йил 20 октябрдан кечиктирмай ҚҚСни бюджетга тўлаши керак. Бунда июль ва август ойлари учун ҳисоботни октябрь ойида тақдим этиш пеня ҳисобланишига сабаб бўлмайди ва СКнинг 220-моддасига биноан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаган деб қаралмайди.

? *Ҳар ойда реализация бўйича 1 млрд сўмдан кам айланмага эга бўлган корхона ҚҚС бўйича чорақлик ҳисоботни топширади. mysoliq.uz да ҳисобот топширишнинг чорақ даврини танлашда танлаш ойнасида: I чорақ, ярим йиллик, 9 ой ва йил чиқади. Бу ҳисоботни танланган давр учун ўсиб борувчи яқун билан тўлдириш зарурлигини билдирадими?*

– Ҳар чорақлик асосда ҳисобот тақдим этувчи корхоналар унда фақат чорақ учун кўрсаткичларни акс эттирадilar. Масалан, 2020 йил июлда ҳисобот тақдим этган ва «ярим йиллик» ҳисобот даврини танлаган ҳолда, сиз унда фақат II чорақ учун кўрсаткичларни акс эттиришингиз керак бўлган. ҚҚС бўйича ҳисоботни октябрда тақдим этишда сиз «9 ой» даврини танлайсиз ва унда фақат III чорақ учун кўрсаткичларни акс эттирасиз.

? *2020 йилнинг II чорақда корхона солиқ органларига ҚҚС бўйича чорақлик ҳисобот топширишига ўтиш тўғрисида хабарнома тақдим этди. Бироқ май ойида реализация қилиш айланмаси 1 млрд сўмдан ошди ва корхона ҳар чорақлик асосда ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳуқуқини йўқотди. У III ва IV чорақларда ҳам ҚҚС бўйича ҳисоботни ҳар чорақда тақдим этиш ҳуқуқини йўқотадими?*

– Йўқ, III ва IV чорақларда корхона янгидан чорақлик асосда ҳисобот топширишга ўтиш тўғрисида хабарнома беришга ҳақли:

- III чорақ учун – 20 августдан кечиктирмай;
- IV чорақ учун – 20 ноябрдан кечиктирмай.

Агар III чорақнинг қайсидир ойида реализация қилиш бўйича айланма 1 млрд сўмдан ошса, мазкур ҳуқуқ йўқотилади, бироқ – фақат жорий чорақ тугагунга қадар. IV чорақ учун хабарнома берган ҳолда корхона яна ҳисоботни ҳар чорақда тақдим этиши мумкин.

УШБУ СОНДА:		
• ДОЛЗАРБ МАВЗУ – Ялпирин иктисодиде: самарали кураш учун бирлашиш зарур	– Импорт хом ашёдан тайёрланган маҳсулот: сотишда ҚҚС	4-бет
• МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ – ҚҚСни чорақлик асосда тўлашнинг ўзига хос жиҳатлари	• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР • Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	
• СОЛИҚ ТЎЛОВЧИГА ЁРДАМ – Умумий оқватланиш корхоналари учун солиқ имтиёзлари	– «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарува тизимини таъомиллаштириш тўғрисида».	2-бет
• СОЛИҚ СОЛИШ – Иктисодик имтиёзга таъсир кўрсатади	• Ўзбекистон Республикасининг Президентининг қарорлари:	
– ТМЗларни бепул олишдан даромадани ҳисобда акс эттириш	– «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада таъомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;	3-бет
– Технолодик ускунага солиқ	– «Аҳолига давлат иқтисодий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таъомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (Кўчирма).	
	• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:	
	– «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун кулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»;	
	– «Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».	
	• Илоравий мезърий-ҳуқуқий ҳужжат:	
	– Узр йези ишлар вазирининг «Йўл ҳаракати қондаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги буйруғи	5-10-бетлар
	• АМАЛИЙ ТАКЛИФ – Оммавий оффорта	11-12-бетлар
	• АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ	
	– АВ камомати – бухгалтерия ҳисобиди	
	– Ҳудудни обонлаштириш ҳаракатлари ҳисоби	12-бет
	• БОЖХОНА	
	– Жаҳон бозорига йўл олиб...	
	– Наслдор мол – барақа манбаи	
	– «Транзит операциясига чек қўйилди	
	– Курыерлик жўнатмаси: ҳам ялтиради, ҳам «оқалтирадиди»	
	– Карантин шароитида божхона расмийлаштируви	
	– Жаҳон нарҳларидаги тебранишлари ҳисобга олган ҳолда	
	– Фактура қийматига тузатиш киритиш	13-15-бетлар
	• ЖАВОБ БЕРАМИЗ	
	– Зарғарлик буюмлари: аукцион орқали реализация қилиш	
	– Таваққалчиликларини суғурталашда порезидентнинг даромадларидан солиқ	
	– Лотерея ютуғи: солиқлар ва ҳисоб	
	– Мактабга компьютерлар соғва қилинди	16-бет

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қону ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ


Давлатимиз томонидан бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ енгилликлари тақдим этилмоқда. Президентнинг 2020 йил 20 июлдаги ПФ-6029-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирига камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан солиқлар бўйича, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари учун қўшимча имтиёзлар жорий этилди.

Фармоннинг 2-бандига мувофиқ кичик корхоналар тоифасига кириши мақсадида 2020 йил 1 июлдан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган ходимларнинг йиллик ўртача сони 25 нафардан 50 нафарга оширилди. Бу кичик тадбиркорлик субъектларига татбиқ

этилган имтиёзлар ва преференцияларни кўпроқ корхоналарга татбиқ этиш имконини беради.


Тақлиф этилаётган жадвалда умумий овқатланиш корхоналари бўйича Президент фармонлари билан белгиланган солиқ имтиёзлари акс эттирилган.

Имтиёз ва преференциялар турлари	
СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШ БЎЙИЧА	
Айланмадан олинadиган солиқ	2020 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар солиқ тўлашдан умумий овқатланиш корхоналари – айланмадан олинadиган солиқни тўловчилар озод қилинади (ПФ-6029-сон, 1-б.). Уларнинг жами даромади солиқ даври учун 1 млрд сўмдан ошмаслиги керак (СК 461-б.).
Мол-мулк солиғи	1. Умумий овқатланиш корхоналари – корхонада ишчиларнинг сонидан қатъи назар мол-мулк солиғини тўлашдан 2020 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар озод этилади (18.05.2020 й. ПФ-5996-сон 1-б.; ПФ-6029-сон 7-б.). 2. Умумий овқатланиш кичик корхоналари учун қуйидаги ҳисобланган суммалар ҳисобдан чиқарилади: – улар бўйича 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон ва 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармонларга мувофиқ фойдаланган кичиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи суммалари; – 2020 йил 15 май ҳолатига мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари (18.05.2020 й. ПФ-5996-сон 2-б.). 3. Ходимлар сонидан қатъи назар 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга нисбатан мол-мулк солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш; оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш тўхтатилади (ПФ-5978-сон 4-б.). Маълумот учун. Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи ставкалари СКнинг 415-моддасида кўрсатилган
Ер солиғи	1. 2020 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар барча умумий овқатланиш корхоналари ер солиғини тўлашдан озод этилади (ПФ-6029-сон 7-б.). 2. Умумий овқатланиш кичик корхоналари учун қуйидаги ҳисобланган суммалар ҳисобдан чиқарилади: • улар бўйича ПФ-5969-сон ва ПФ-5978-сон Фармонларга мувофиқ фойдаланган кичиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган ер солиғи суммалари • 2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари (ПФ-5996-сон 2-б.). 3. Карантин тадбирлари амал қилиш даврида ўз фаолиятини мажбурий тўхтатган барча умумий овқатланиш корхоналари учун: • 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга нисбатан ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш; оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш (ПФ-5978-сон 4-б.); • давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилади (ПФ-5978-сон 15-б.). Маълумот учун. Юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари СКнинг 429-моддасида кўрсатилган



Имтиёз ва преференциялар турлари	
Ижтимоий солиқ	2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар ижтимоий солиқ ставкаси 12%дан 1%гача пасайтирилади, акцизоти маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва давлат улуши 50 фонз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно. Умумий овқатланиш корхоналари ижтимоий солиқнинг пасайтирилган ставкасини ишчиларнинг сонидан қатъи назар қўллади (ПФ-6029-сон 7-б.).
Божхона тўловлари	2020 йил 31 декабрга қадар барча умумий овқатланиш корхоналари учун 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармонга 1-иловага асосан товарларни олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланади (ПФ-5978-сон 1-б.).
Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим	2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар бўлган даврда барча умумий овқатланиш корхоналари йиғимни тўлашдан озод этилади (ПФ-6029-сон 1-б.).
СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШНИ КЕЧИКТИРИШ (БЎЛИБ-БЎЛИБ ТЎЛАШ)	
Мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарори асосида ушбу солиқларни тўлаш бўйича фойдаланганлик ундирилмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этилади (ПФ-5969-сон 7-б.).
Божхона тўловлари	Товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилишда ҚҚСни тўлаш бўйича 120 кун муддатгача кечиктириш олиш ҳуқуқи берилган (ПФ-5996-сон 3-б.). Божхона органлариға мурожаат қилган қулғача 1 йилдан кам бўлмаган муддат давомида фаолиятни амалга ошираётган умумий овқатланиш кичик корхоналарига, 2020 йил 31 декабрга қадар кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шарти билан, товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундирилadиган божхона божи ва акциз солиғини тўлаш муддатини кечиктириш тақдим этилди (ПФ-6029-сон 7-б.).
СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ СОҲАСИ	
2020 йил 1 октябрга қадар ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун умумий овқатланиш корхоналарига жарималар қўллаш тўхтатилади (ПФ-5969-сон 8-б.).	
2020 йил 1 октябрга қадар вақтинча қийинчиликларни бошдан кечириётган умумий овқатланиш корхоналарига мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланиши тўхтатиб турилади. Шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари кўрилмайди (ПФ-5969-сон 8-б.). Маълумот учун. Пеня миқдори СКнинг 110-моддасида белгиланган	
2021 йил 1 январга қадар солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилади, жиноят ишлари доирасида ва умумий овқатланиш корхоналарини тугатиш муносабати билан солиқ аудитидан ўтказиш бундан мустасно (ПФ-5969-сон 10-б.). Маълумот учун. Солиқ аудитини ўтказиш тартиби СКнинг 140-143-моддаларида белгиланган	
Карантинга олинган шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни (карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бундан мустасно) тўлаш муддатлари карантин муддати тугагунга қадар узайтирилади (ПФ-5978-сон 15-б.).	
2020 йил 31 декабрга қадар 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундириш тўхтатилади (ПФ-6029-сон 7-б.).	
2020 йилда ДСҚ томонидан белгиланган ҳолларда, солиқ қонунчилиғида белгиланган муддатда умумий овқатланиш корхоналари томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги учун жарима солинмайди, башарти солиқ ҳисоботи тақдим этишнинг белгиланган муддатидан 5 кундан кўп муддат ўтмаган бўлса (ПФ-6029-сон 6-б.).	

Жорилла АБДУЛЛАЕВ, «Norma» компанияси етакчи эксперти.



ИХТИСОСЛИК ИМТИЁЗГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

? Корхона тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаради, тушум улуши реализация умумий ҳажмининг 60%ини ташкил этади. У Президентнинг 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2911-сон қарори бўйича имтиёзни қўллаш ҳуқуқига эга. Имтиёзни қўллаш бўйича барча шартларга риоя этилган. Бироқ корхонада бошқа даромадлар ҳам мавжуд: хизматлар кўрсатишдан, мол-мулкни ижарага беришдан, АВни реализация қилишдан, кредиторлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар олинади.

Корхона ПҚ-2911-сон қарор бўйича имтиёзларни қўллаш шартларига жавоб берадиган бўлса, имтиёз бошқа даромадларга ҳам қўлланилади-ми ёки фақат тиббиёт буюмларини реализация қилишдан олинган даромадларга қўлланиладими?

– Президентнинг «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (20.04.2017 йилдаги ПҚ-2911-сон) 2-бандида шундай дейилган: «Ҳисобот даври якунлари бўйича тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришдан олинган тушум улуши умумий реализация ҳажмининг камиди 60%ини ташкил этадиган шундай буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ташкилотлар

2021 йил 1 январига қадар фойда солиғи ва мол-мулк солиғи, микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин».

Имтиёз корхонага тўлиқ тақдим этилади. Бу тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш шартларига риоя этилганда корхона барча фаолият турлари ва бошқа даромадлари солиқлардан озод этилишини аниқлатади.

ТМЗларни БЕПУЛ ОЛИШДАН ДАРОМАДНИ ҲИСОБДА АКС ЭТТИРИШ

? 2020 йилнинг июнь ойида импорт бўйича ускунанинг қисми бепул (беғараз) олинган бўлиб, унинг қиймати фақатгина божхона расмийлаштируви мақсадлари учун кўрсатилган. Импорт шартномасига иловада бир бирликнинг нархи мавжуд. Фойда солиғи бўйича ҳисоботда ускуна қисмини бепул олишдан кўрилган даромадни қачон акс эттириш лозими?

– Усқунанинг бепул олинган қисми корхонанинг ТМЗ таркибига кирим қилинади. Ташкилот томонидан бепул олинган ТМЗларнинг таннарихи уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (АВда 30.06.2020 йилда 3259-сон билан рўйхатга олинган 4-сон БҲМСнинг 27-банди).

Усқунанинг бепул олинган қисми корхонанинг даромади сифатида тан олинади. Даромад ТМЗнинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Мазкур даромад фойда солиғини ҳисоблашдаги жамия даромад таркибига киритилади

(СКнинг 297-моддаси 3-қисми 10-банди, 299-моддаси 1-2-қисмлари). Агар Солиқ кодексида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, даромадни эътироф этиш санаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ аниқланади (СКнинг 297-моддаси 10-қисми).

Шу сабабли, усқунанинг қисмини бепул олишдан кўрилган даромадни Фойда солиғи ҳисоб-китобида (3-илова, АВ томонидан 24.02.2002 йилда 3221-сон билан рўйхатга олинган) усқунанинг мазкур қисми бухгалтерия ҳисобига кирим қилинган чоракда акс эттириш лозим.

ТЕХНОЛОГИК УСКУНАГА СОЛИҚ

? Цехда технологик ускуна ўрнатилган. 31.12.2019 йил ҳолатига унинг қолдиқ қиймати 4 млрд сўмни ташкил этади. Мазкур технологик ускуна мол-мулк солиғи солинадиган объект бўлиб ҳисобланадими?

– Кўчмас мулк юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ объектлари ҳисобланади (СКнинг 411-моддаси 1-қисми).

Кўчмас мулк жумласига қуйидагилар кирди:

1) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотлар;

2) қурилиши тугалланмаган объектлар. Қурилиши тугалланмаган объектларга қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколат-

ли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан 24 ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар кирди;

3) темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

4) қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари, кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин 6 ой ўтгач (СКнинг 411-моддаси 2-қисми).

Цехда ўрнатилган технологик ускуна, мол-мулк солиғи объектлари бўлиб ҳисобланмайди.

ИМПОРТ ХОМ АШЁДАН ТАЙЁРЛАНГАН МАҲСУЛОТ: СОТИШДА ҚҚС

? Ишлаб чиқариш корхонаси ҚҚС ва фойда солиғини тўлайди. Импорт хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаради. СК 248-моддаси 5-қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб қилинган (импорт қилинган) товарларни реализация қилиш чоғида ҚҚС бўйича солиқ базаси ушбу товарларни олиб қилиш (импорт қилиш) чоғида бюджетга ҳақиқатда тўланган солиқ ҳисоблаб чиқарилган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас. СК 248-моддаси 5-қисмидаги норма импорт қилинган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни реализация қилиш чоғида ҚҚС бўйича солиқ базасини аниқлашда қўлланиладими?

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб қилинган (импорт қилинган) товарларни реализация қилиш чоғида солиқ базаси ушбу товарларни олиб қилиш (импорт қилиш) чоғида бюджетга ҳақиқатда тўланган солиқ ҳисоблаб чиқарилган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас (СК 248-м. 5-қ.). Мазкур норма қайта сотиш учун импорт қилинган товарларга тааллуқли бўлади ҳамда импорт қилинган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни реализация қилишда ҚҚС бўйича солиқ базасини аниқлаш учун қўлланилмайди.

Мазкур ҳолатда импорт қилинган хом ашё эмас, балки ундан тайёрланган маҳсулот реализация қилинади. Тайёр маҳсулот таннарихи нафақат импорт қилинган хом ашё таннарихидан иборат бўлади. Унга ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи ва улардан олинган ижтимоий солиқ, бошқа бевосита ва билвосита моддий харажатлар ҳамда бошқа харажатлар ҳам киритилади. Тайёр маҳсулот таннарихига киритилган харажатлар тарки-

би Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда келтирилган (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган).

Тайёр маҳсулот реализация қилинганда солиқ базаси акциз солиғини (акциз тўланадиган товарлар, хизматлар учун) ҳисобга олиб, унга ҚҚСни киритмаган ҳолда, битим тарафлари томонидан қўлланилган нархдан (тарифдан) келиб чиққан ҳолда реализация қилинадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати сифатида аниқланади. Битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли. Солиқ тўловчи бундай қарор юзасидан битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолаштиришга ҳақли (СК 248-м. 1, 4-қ.).

Азизахон ТОШХҲАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОНДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИГА ДОИР МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-А

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 августдаги ўРҚ-558-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва 2020 йил 17 мартдаги ўРҚ-612-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2011 йил 31 майдаги 68-сон буйруғи (рўйхат рақами 2240, 2011 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 27-сон, 286-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қонда-

ларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир П.БОБОЖОНОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июнь
195-сон.

ЎЗР ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 195-сон буйруғига
ИЛОВА

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОНДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИГА ДОИР МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 13-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур шахсни текширишга юбориш ва бу текширувни ўтказиш Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низоом (рўйхат рақами 3099, 2018 йил 14 декабрь) талаблари асосида амалга оширилади.»

2. 16-банддаги «суриштирув органлари» деган сўзлар «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 45-банднинг ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари, шунингдек улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан Қондаларга мувофиқ имтиёздан фойдаланган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус фото ва видео қайд этишнинг автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилган тақдирда ҳамда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганликни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда ҳайдовчиларнинг маъмурий қоидабузарлиги охириги зарурат ҳолатларида содир этилган деб топилди ва маъмурий иш Кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилди.»

4. 58-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки туман (шаҳар) маъмурий судига, маъмурий суднинг қарори устидан эса кассация инстанцияси судига шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.»

5. 70-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«70. Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда – шикоят

ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим, бундан мазкур банднинг иккинчи хатбошиси мустасно.»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи–саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда;

жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;

худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда.»

6. 74-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Маъмурий ижрога қаратилган жарима солиш тўғрисидаги қарор ижро этилганидан сўнг давлат ижрочиси ижро ишини юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқаради ва унинг бир нусхасини уни чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки судга юборади.»

7. 1-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-илласига** мувофиқ тахрирда баён этилсин.

8. 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-илласига** мувофиқ тахрирда баён этилсин.

9. 4-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3-илласига** мувофиқ тахрирда баён этилсин.

10. 6–8-илловалар тегишли равишда мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 4–6-илловаларига** мувофиқ тахрирда баён этилсин.

11. 13-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 7-илласига** мувофиқ тахрирда баён этилсин.

*Ушбу буйруқ қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.07.2020 йилдан кучга кирди.

**Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга 1–7-илловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

– «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (Кучирма);

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

– «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТ

– «ЎзР ички ишлар вазирининг «Йул ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УЛАРНИНГ АЙЛАНМАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА*

Республикада виночилик соҳасини жадал ривожлантириш, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш соҳасида замонавий бошқарув тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини ошириш, алкоголь маҳсулотлари ноқонуний айланмасига чек қўйиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси негизида Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик);

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг бюджетдан ташқари жамғармаси негизида Агентликнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, виночилик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, шунингдек соҳани ривожлантиришга йўналтирилган комплекс дастурларни амалга ошириш;

виночилик хом ашё базасини мустаҳкамлашга ва саноатбop тоқзорлар плантацияларини кенгайтиришга, виночилик корхоналарини комплекс модернизациялашга, замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этишга ҳамда виночилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қўмаклашиш;

маҳаллий вино тайёрловчиларнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек соҳага инвестицияларни жалб этишда узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш;

Ўзбек виноларининг миллий брендини яратиш ва уни ҳақон бозорларида кенг тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг айланмаси ҳажмларини, шу жумладан замонавий ахборот тизимларининг жорий этиш ва ривожлантириш орқали мониторинг қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларга риоя этилиши ҳамда сақланиш сифатини, шу жумладан уларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш.

3. Агентлик:

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга оширувчилар томонидан лицензия талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

алкоголь ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун корхоналар ўртасида истеъмол этил спиртини белгиланган тартибда тақсимлаш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг қуйидаги вазифа ва функциялари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига ўтказилсин:

узумнинг хўраки ва кишмишбop навлари плантацияларини кенгайтириш, узумчиликни жадал ривожлантиришга йўнал-

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 24.07.2020 йилдан кучга кирди.

тирилган комплекс мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

узумчилик корхоналарини комплекс модернизациялашга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш;

хорижий ва маҳаллий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва тармоқнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилиш орқали узумчилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда узум плантацияларининг электрон реестрини юритиш.

5. Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан янги узум плантацияларини яратиш учун қуйидаги мақсадларда субсидиялар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ажратилиши белгилансин:

хўраки ва кишимшоб узум плантацияларида томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш;

хўраки ва кишимшоб узум тоқзорларида ирригация тадбирларини ўтказиш, жумладан сув етказиб бериш, артезиан қудуқлар, қувурлар ва резервуарлар барпо этиш, сув етказиб бериш учун насос станциялари қуриш, сув сақлаш учун симилар сотиб олиш.

Молия вазирлиги Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилиши белгиланган субсидияларнинг тегишли қисмини 2020 йил 1 августдан бошлаб Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармасига ажратилишини таъминласин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2020 йил 21 июль ҳолатига маблағлари қолдинини қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси ўртасида тақсимласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 августдан бошлаб:

алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш, шунингдек умумий оватланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотиш ҳуқуқига рухсат берувчи гувоҳнома чекланмаган муддатга бериллади;

ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация ҳудудларида (жойларида) реализация қилинган табиий вино (қадоқлангандан ташқари) маҳсулотларига ноль даражали ставка бўйича акциз солиғи солинади;

ишлаб чиқарувчилар истеъмол этил спиртининг 50 фоиз ҳақини олдиндан тўлаш шартларида реализация қилиш ҳуқуқига эга.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.А.Абдухакимов) алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга туристларни жалб қилиш учун туроператорларнинг йўналиш дастурларига корхонага тегиш-

ли дегустация ҳудудлари киритилишини ташкиллаштирсин.

9. Агентликка 2020 йил 1 октябрдан бошлаб истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларда тегишли лицензия ёки рухсат гувоҳномаларисиз ишлаб чиқилган ва сотилган, идентификация воситалари билан маркировкаланмаган, қалбаки акциз маркали ёки акциз маркиси мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ҳақида далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, махсус ваколатли органи хабардор қилган ҳолда текширишларни амалга ошириш ваколати берилсин.

10. Белгилансинки, истеъмол ва техник этил спирти 2021 йил 1 июлдан бошлаб реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS) билан жиҳозланган ҳамда 2022 йил 1 январдан бошлаб истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ҳамда узузмзорларнинг янгона реестри ахборот тизимига интеграция қилинган электрон ҳисоблагич ўрнатилган автотранспорт воситаларида ташиллади.

11. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси икки ой муддатда маҳаллий кўпикландиған ва табиий вино маҳсулотлари рекламасига қуйидаги ҳолларда рухсат берилишини назарда тутувчи тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

меҳмонхоналарда, савдо ва умумий оватланиш корхоналари савдо залининг ички қисмида ҳамда маҳсулотларни намойиш ва дегустация қилиш жойларида;

ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналарининг расмий веб-сайтларида;

темир йўл ва ҳаво транспорти воситаларида; оммавий ахборот воситаларида маҳаллий вақт билан соат 23:00 дан 07:00 гача намойиш қилинишига.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг айрим ҳужжатларига иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4162-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.


15. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И.Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 23 июль
ПФ-6033-сон.

**Фармонга илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

РЕКЛАМА



Ўзбекистон
Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

2

СОЛИҚ 4
БОЖХОНА ТАҲАРАТЛИ

www.nrm.uz

№ 32 (1356) • 2020 йил 11 август

СОЛИҚ 4
БОЖХОНА

№ 32 (1356) • 2020 йил 11 август

6

син ва унинг молиявий манбаи этиб тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар белгиланган.

Олий мактаб жамғармаси бюджет маблағлари (бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи миқдоридан назарда тутилган) билан бир қаторда тўлов-контракт асосида тушадиган маблағлари ҳисобидан Олий мактаб раҳбарияти (директор ва унинг ўринбосарлари), профессор-ўқитувчилари ва ходимлари моддий рағбатлантириш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 185 фоизига қамқорлик миқдоридан ташкил этилсин.

Олий мактаб жамғармасининг маблағлари Олий мактаб штатидаги бошқарув, профессор-ўқитувчилар ва ходимларга тариф ставкасининг 200 фоизга қамқорлик миқдорда ҳар ойлик устамалар белгиланганга йўналтирилсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) мазкур қарор 2-бандининг олтинчи—саққизинчи ҳатбошиларида назарда тутилган вазифалар ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетети маблағлари ва Иқтисодий тараққиёт вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Олий мактаб ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан аҳоли ва тадбиркорлар учун ўқув курсларини ташкил этишда фойдаланиладиган давлат мулки бўлган бино ва хоналарнинг майдонлари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари аудиторияларида текин фойдаланиш асосида ва коммунал хизматлар тўловсиз ўқув курсларини ўтказишга рўхсат этилади;

в) Олий мактаб магистратурасида таълимнинг кечки шаклида таҳсил олаётган тинловчилар билан тузилган амалдаги шартномалар белгиланган мuddатгача ўз кучида қолади.

9. Иқтисодий тараққиёт вазирлиги:

а) икки ҳафта мuddатда Олий мактаб устави билан белгиланган тартибда тасдиқласин ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

б) бир ой мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Олий мактаб ҳудудий филиалларини жойлаштириш чораларини кўрсин;

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

икки ҳафта мuddатда Олий мактабнинг профессор-ўқитувчилари тарихини танлаб олиш тартибини белгиланган тартибда тасдиқласин;

бир ой мuddатда Олий мактаб ходимларини аттестациядан ўтказиш ва юқори даражадаги зарур замонавий билимларга ва кўникмага ҳамда иш тажрибасига эга бўлган раҳбар ва педагогик мутахассислар билан таъминласин;

икки ой мuddатда Олий мактабда ўқитишнинг кредит-модуль тизими тўғрисидаги низомни, улий таълимнинг сиртки ва масофавий таълим шаклида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режаларини, фан дастурларини ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Олий мактаб:

а) қуйидаги мажбурий жунатмалар реестрига киритилсин:

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, Давлат статистика қўмитаси, молия, иқтисодий тараққиёт, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мажорат қўмитаси, Бош прокуратура, Олий суд, бошқа вазирлиқлар ва идораларнинг статистик маълумотлари;

ижтимоий-иқтисодий соҳадаги хорижий матбуот шарҳлари, шу жумладан Иқтисодий тараққиёт вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макрроиқтисодий тадқиқотлар институти, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институтининг таҳлилий маълумотномалари;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда қўшимча ҳуқуқат алоқаси ва зарур алоқа канали ҳамда кенг полосали Интернет тармоғи билан таъминланади;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан «Электрон таълим» миллий тармоғига ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий лицензияланган ахборот-кутубхона ресурслари фондлариغا кириш имконияти билан таъминланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Иқтисодий тараққиёт вазирлиги йиғимлар ва бошқа тўловлар ўндирмасдан икки ҳафта мuddатда қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ллойдх бўшқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Бериуний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабининг ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика марказининг:

Олий мактабга ўтказилаётган автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги идораларида қайта рўйхатдан ўтказсин;

қўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини Олий мактабга белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

12. Белгиланган кўйилсинки, мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даража-ли бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Иқтисодий тараққиёт вазирлига ажратиладиган маблағлар доирасида, 2021 йилдан бошлаб эса – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетети параметрларида назарда тутилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқатнинг 7-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлиқлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодийёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июль
460-сон.

РЕКЛАМА

**«КИЧИК ҚОРХОНА
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Ишонистон ш., Миробод тумани, Т.А.Тимаржон кўча, 1-1. Тел: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, axb, www.norma.uz

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Бизнес ва тадбиркорлик, корпоратив ва лойиҳа бошқаруви, менежмент соҳасида бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини халқаро стандартларга мувофиқ тубдан такомиллаштириш ва уларнинг профессионал савиясини ошириш, шунингдек, бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этишни илмий-методик қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ёти ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига (кейинги ўринларда – Иқтисодий тараққиёт вазирлиги) ўтказилганлиги ва уларнинг негизида Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби (кейинги ўринларда – Олий мактаб) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар Олий мактабининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин;

республика иқтисодий ёти ривожлантиришга зарур бўлган бошқарув кадрлари, шу жумладан олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик, рақамли иқтисодийёт, рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш, маркетинг, менежмент ва иқтисодийётнинг талаб юқори бўлган бошқа йўналишлари бўйича магистрларни, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

иқтисодийётда эркин рақобат муҳитини шакллантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардорлигини ошириш, товар ва молия бозорларида монопол даврга эга бўлган корхоналарга қўлланилган имтиёз ва преференциялар самарадорлигини баҳолаб бориш ва тегишли масалалар бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

ҳалқаро эътироф этилган хорижий олий ўқув юрталарининг етакчи профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда, корпоратив ва лойиҳа бошқаруви ҳамда бошқа соҳаларда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳамкорликда дастурларни (joint programs) амалга ошириш;

аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши бўлган қатламларини ҳамда тадбиркорларни бизнес ва тадбиркорлик кўникмалари бўйича қисқа муддатли пулли, хусусан, кейинчалик бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан ўқитишни ташкил этиш;

оилавий тадбиркорлик дастурлари орқали кредит олишни мўлжаллаган аҳоли қатламлари учун қисқа муддатли ўқитишни ташкил этиш;

аҳоли ҳамда тадбиркорларга тадбиркорлик ва бизнесга оид ўқув материалларини (жумладан, электрон шаклда) тайёрлаш.

3. Куйидагилар:

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий филиалларининг намунавий тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг Васийлик кенгаши таркиби 3-иловага** мувофиқ;

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратурасига ўқишга қабул қилиш ва уни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага** мувофиқ;

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратурасини тамомлаганлик тўғрисидаги давлат дипломининг намунаси 5-иловага** мувофиқ;

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг қисқа муддатли малака ошириш курсларини тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат намунаси 6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Иқтисодий тараққиёт вазирлиги Олий мактабининг муассиси ҳисобланади;

Олий мактаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув олий мактаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика марказининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Олий мактаб корпоратив бошқарув ва лойиҳа бошқаруви, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Олий мактаб директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигини буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Олий мактабга Иқтисодий тараққиёт вазирлиги билан келишган ҳолда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб вазирликлар, идоралар ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжлари ва стратегия ривожланишидан келиб чиққан ҳолда, соҳавий хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма «икки дупло» (double degree) модели асосида магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишни ҳамда илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашни ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Куйидагилар Олий мактаб фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолияти, хизматларни тижоратлаштириш ва экспорт қилиш, инновацион фаолият натижалари, стартап лойиҳалар асосида тушадиган маблағлар;

бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига ва молия бозоридagi бошқа воситаларга жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Олий мактаб раҳбарияти (директор ва унинг ўринбосарлари), профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш, илмий даражага берилadиган қўшимчалар ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш мақсадида Олий мактабининг бюджетдан ташқари Ривожлантириш ва ҳодимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Олий мактаб жамғармаси) ташкил этили-

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.07.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарорга 1–7-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING MILLIY STATISTIKA TIZIMINI
YNA DA TAKOMILLASHTIRISH VA RIVOJLANTIRISH CHORA-TADBIRLARI
TUGRISIDA*

Мамлакатимизда статистика маълумотларининг сифати ва ишончилигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, бўлиб ўтаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, жумладан, халқаро ташкилотларнинг махсус нашрлари ва маълумотлар базаларида ҳолис ва ишончли акс эттиришни таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, статистика маълумотлари сифатини янада яхшилаш, статистика кўрсаткичларининг тўлақонли маълумот базаларини яратиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, ижтимоий-иқтисодий ва демографик соҳаларда статистиканинг замонавий усулларини жорий этиш зарурати мавжуд.

Миллий статистика тизимини такомиллаштириш, давлат статистика органларининг мустақиллигини таъминлаш, статистика маълумотларининг ҳолислиги ва ишончилигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» да амалга оширишга оид давлат дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилансин:

статистика органларини талаб қўри бўлган, сифатли ва ишончли маълумотларни шакллантиришга, статистика маълумотларининг шафдофлиги ва ошқоралигини оширишга қаратилган профессионал мустақил хизматга айлантириш;
статистика соҳасида ягона сибсатни амалга оширишга қаратилган ваколат ва мажбуриятларни мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгашининг тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш;

илгор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, нашр этиш ва сақлаш бўйича яхлит тизимни ташкил этиш;

расмий статистикани ишлаб чиқариш, тарқатиш ва мувофиқлаштириш мақсадида мамлакатнинг бутун миллий статистика тизими доирасида қўлланиладиган услубий асослар ва бошқарув тамойилларини такомиллаштириш;

идоравий маълумотлар базаларини ягона маълумотларни бошқариш тизимига интеграция қилиш орқали кузатувларни бошқичма-бошқич оптималлаштириш ва респондентлардан ҳисобот топшириш юқини камайтириш, шунингдек, рўйхатга олиш ишларини ўтказиш ва ялли статистика ҳисоботларини танланма кузатувлар билан алмаштириш ҳисобига статистикани шакллантириш тизимини такомиллаштириш;

статистика маълумотларидан фойдаланувчилар билан самарали ҳамкорлик сибсатини йўлга қўйиш ва мавжуд статистика маълумотлари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш орқали фойдаланувчиларнинг статистика ахборотларига бўлган ишончини ошириш;

давлат статистика органлари фаолиятини моддий-техник қўллаб-қувватлашни янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларининг самарали жорий этилиши ҳисобига ҳудудий статистика органлари тузилмалари ва уларнинг вазифаларини бошқичма-бошқич мақбуллаштириш;

давлат статистика органлари ходимларининг касбий даражасини ошириш, илмий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда келгусида амалиётда қўллаш учун илгор статистика усуллари ва технологиялари, шу жумладан, очик маълумотлар соҳасида инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Давлат статистика қўмитаси расмий статистикани шакллантириш билан боғлиқ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда амалга оширади;

статистика органларининг қонуний фаолиятига, шу жумладан, расмий статистика ҳисоботлари ва кузатувларини ўтказиш ҳамда уларни нашр қилиш ва эълон қилиш жараёнларига ҳар қандай аралашшига йўл қўйилмайди;

Давлат статистика қўмитаси томонидан шакллантириладиган статистика маълумотлари расмий статистика ахбороти сифатида эълон қилинади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар), шунингдек, туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдирлар ва бевосита Давлат статистика қўмитасига бўйсунди;

ҳудудий бошқармалар бошлиқлари Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан, туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари бошлиқлари ҳудудий бошқармалар бошлиқларининг тақдимномасига қўра Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

3. Давлат статистика қўмитасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бошқа расмий статистика ишлаб чиқарувчиларнинг статистика методологияларини халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан аудитдан ўтказиш ва аудит натижаларига қўра, вазирлик ва идораларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

кузатувларни ўтказиш, расмий статистика материалларини шакллантириш ва таҳлилларни амалга ошириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро электрон боғланиш.

Бунда, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Давлат статистика қўмитасининг ўз ваколатлари доирасидаги сўровига мувофиқ ўларнинг ахборот тизимларига кириш ва ундан эркин фойдаланишни таъминлаш учун шахсан жавобгардирлар.

4. Қуйидагилар:

Жаҳон банки қўмағида ишлаб чиқилган 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) 1-иловага* мувофиқ;

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгашининг таркиби 3-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгаши тўғрисидаги низоом 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.08.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарорга 1–6-иловалар «СБХ» да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

5. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.А.Қўчқоров):

Стратегия ва «Йўл харитаси»нинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, белгиланган вазифалар бажарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатсин;

Бир ой мuddатда Стратегиянинг йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирларнинг бажарилиши учун масъул бўлган манфаатдор вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат **тармоқ ишчи гуруҳларини** шакллантирсин;

Стратегия ва «Йўл харитаси»нинг ижросини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида, сифатли тайёрланиши ва белгиланган тартибда киритиб борилишини таъминласин;

Стратегиянинг ижроси юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишда Жаҳон банки билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйсин ҳамда уларнинг ижроси учун Жаҳон банки томонидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан мониторинг ўрнатсин;

Стратегия ва «Йўл харитаси»нинг ижро ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига йиллик ахборотларнинг тақдим этиб борилишини таъминласин.

6. Давлат статистика кўмитаси ҳузурида ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи **маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланадиган Жамоатчилик кенгаши** фаолият юритиши маълумот учун қабул қилинсин.

Жамоатчилик кенгашига қуйидаги қўшимча вазифалар юқлансин:

Давлат статистика кўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни ва фойдаланувчиларнинг расмий статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш механизмларини ишлаб чиқарсин;

статистика маълумотларининг **шафдофлиги, ошқоралиги ва қўлайлигини** ошириши таъминласин;

Давлат статистика кўмитаси томонидан **долзарб, сифатли ва ишончли** статистиканинг шакллантирилишига кўмаклашиш;

мавжуд статистика маълумотлари ҳақида **жамоатчиликнинг ҳабардорлигини** ҳамда уларнинг **статистика маълумотларига бўлган ишончини** ошириш учун фойдаланувчилар билан яқиндан алоқа ўрнатсин.

7. Давлат статистика кўмитаси:

Жамоатчилик кенгаши фаолиятига нодавлат нотижорат таъкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, илмий жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакилларини, миллий ва халқаро экспертларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили **1 декабр**га қадар мамлакатда миллий иқтисодийёт ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнларининг ишончилиги ва тўлиқлигини инобатга олган ҳолда Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқсин ва Жамоатчилик кенгашига келиши учун тақдим этиб бурсин;

ҳар йили **1 октябр**га қадар Давлат статистика ишлари дастурининг бажарилиши натижалари ва статистика соҳасида методологияни такомиллаштириш ҳамда ишларни ташкил

этиш борасида олиб борилаётган фаолият самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботнинг Статистика кенгашига киритиб борилишини таъминласин.

8. Давлат статистика кўмитасига рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш учун 65 та қўшимча штат бирлиги, шу жумладан:

марказий аппарат учун – 17 та штат бирлиги;
худудий бошқармалар учун – жами 48 та штат бирлиги ажратилсин.

Бунда, Давлат статистика кўмитаси ва унинг худудий бошқармалари бошқарув ходимлари чекланган сонини ошириш давлат солиқ хизмати органлари ходимлари сонини қисқартириш ҳисобига амалга оширилад.

9. Мазкур қарорнинг 5-иловасига** мувофиқ рўйхат бўйича вазирлик ва идоралар бир ой мuddатда ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида идоровий статистика маълумотларини шакллантириш ва Давлат статистика кўмитаси билан ахборот алмашинуви таъминлашга ихтисослаштирилган бўлимини ташкил этсин.

10. Молия вазирлиги:

Давлат статистика ишлари дастурини амалга ошириш учун маблағ ажратишда фойдаланувчиларнинг расмий статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Статистика кенгаши ва Жамоатчилик кенгаши томонидан шакллантирилган таклифларни инобатга олсин;

2020 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасидаги сарф-ҳаражатлар учун Давлат бюджетни параметрлари доирасида зарур маблағларни ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тutsин.

11. Давлат статистика кўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига:

статистика ишлаб чиқарувчиларнинг **статистика методологияларини аудитдан** ўтказиш тўғрисидаги низом лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага** мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги Ф-1838-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.

*Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 август
ПҚ-4796-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРИ ВА ЁРДАМ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

[Кўчирма]

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг манзиллилигини янада ошириш бўйича изил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тартиб-таомиллари босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 5.08.2020 йилдан кучга кирди.

Хусусан, жаҳонда бўлиб ўтаётган коронавирус пандемияси аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қисқа мuddатларда аниқлаш ва уларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашнинг шафдоф ва самарали инструментлари бўлишини тақозо этмоқда.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларини ҳисобга олган ҳолда «Туроператор ва турагентларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маъжмасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 19 июндаги ПҚ – 4755-сон қарорига мувофиқ Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузурида Хавфсиз туризм жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 28 майдаги ПФ–6002-сон Фармониغا асосан туризм соҳасининг субъектларига тақдим этиладиган фоизсиз субсидия, компенсация ва фоизсиз ссудалар учун бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағлар ҳамда Жамғарма Молия вазирлиги хузуридаги Инкирозга қарши курашиш жамғармасининг маблағлари ҳисобот йилида фойдаланилмаганда олиб қўйилмайди ва кейинчалик Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги жамғармалар маблағларидан фойдаланиш учун белгиланган тартибда ва мақсадларда фойдаланилади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Жамғармага тушадиган маблағларни тижорат банкларида очиладиган шахсий ғазна ҳисобварақлари ва хорижий валютадаги банк ҳисобварақамида жамғариб бориш ҳамда вақтинча бўш маблағларни депозитга жойлаштириш ваколати берилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси уч ой мuddатда:

туроператорлик фаолияти учун берилган лицензияларни хатловдан ўтказсин ва якунига кўра туроператор ва турагентлар фаолиятларини амалда бўлган лицензияларига асосан алоҳида фаолиятларга ажратишни таъминласин; туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари учун мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этсин;

хостел хизматларининг мувофиқлик сертификатларини хатловдан ўтказиб, уларни Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестрига киритсин.

9. Белгилансинки, «Ипак йўли» туризм халқаро университетига (кейинги ўринларда – Университет деб аталади) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, ҳар ўқув йили учун Давлат тест маркази веб-сайти орқали бакалавриятга ва Университет томонидан магистратурага амалга ошириладиган қабул жараёнларида, истисно тариқасида, хорижий тиллар (инглиз тили) бўйича етакчи халқаро ва баҳолаш тизимларининг амалдаги сертификатларига, шу жумладан IELTS бўйича камида 5,5 балл ва ундан юқори, Common European Framework of Reference for Languages (CEFR) бўйича камида B2 ва ундан юқори, TOEFL iBT бўйича камида 72 ва ундан юқори балл билим даражаси кўрсаткичи билан халқаро сертификатларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасининг «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 августдаги 610-сон қарори талабларига мувофиқ, Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган инглиз тилини билиш даражаси (B2 ва ундан юқори) тўғрисидаги сертификатга эга бўлган абитуриентларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилишига рўхсат этилади.

10. Самарқанд вилояти ҳокимлиги бир ҳафта мuddатда:

Самарқанд вилояти Касбий таълимини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси билан биргаликда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда «Ипак йўли» туризм халқаро университети ректоратини Самарқанд шаҳри, Университет хёбони, 20-ўй манзилида жойлашган бинога (туташ худуди билан биргаликда) оператив бошқарув ҳуқуқи билан бегараз асосда топширилишини, «Ипак йўли» туризм халқаро университети қабул қилиб олиншини;

Самарқанд Харбий прокуратураси билан биргаликда Самарқанд шаҳри Бобир Мирзо кўчаси 3-ўй манзилида жойлашган маъмурий бино (бино ва иншоотлари)ни ўрнатилган тартибда «Ипак йўли офиси» унитар корхонаси тасарруфига бегараз асосда топширилишини, «Ипак йўли офиси» унитар корхонаси маъмурий бинони қабул қилиб олинishi ҳамда ундан самарали фойдаланилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига тегишли Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, А.Темур шоҳқўчаси, 107 «б»-ўй манзилида жойлашган маъмурий бинонинг туташ худудидаги ер усти ва ости автотурагоҳи, дов-дарактлар, кириш йўлаклари оператив бошқарув ҳуқуқи билан «Interhotel» МЧЖ ва «Халқаро ҳамкорлик маркази» АЖ устав капиталидаги давлат улушини бериладиган мол-мулкнинг қолдиқ (баланс) қийматига камайтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига бепул берилиши таъминласин.

12. Белгилансинки, «Otel O'zbekiston» кўшма корхона шаклидаги масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 80,13 фоиз давлат улушини сотишдан тушган маблағларнинг бир қисми, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича жамғарма тасарруфига қоладиган маблағлардан ташқари, имзоланган битимга мувофиқ «Шахрисабз юлдузи» меҳмонхона комплекси қурилиши учун Польша Ҳукумати томонидан ажратилган кредитни сўндириш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қилган харажатларни қоплаш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобига йўналтирилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 20-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 21-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, вазирлиқлар ва идоралар билан бир ой мuddатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

16. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор ҳамда туризм соҳасида яратилган имкониятларни кенг ёритиб бориш тасвია этилсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري
А.АРИПОВ.*

*Тошкент ш.,
2020 йил 10 июль
433-сон.*

Фуқаролар йиғинларига «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ва «Туризм овули» мақомини бериш тартиби тўғрисидаги низом 8-иловага** мувофиқ;

Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 9-иловага** мувофиқ;

Туризм соҳасида мухтаassisларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 10-иловага** мувофиқ;

Тадбиркорлик субъектларига грантлар бериш, компенсация ва молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳамкорлари – нодавлат нотариат ташкилотларини институционал қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги низом 11-иловага** мувофиқ;

Туризм ахборот марказларини барпо этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом 12-иловага** мувофиқ;

«Туризм фидойиси» кўкрак нишони тўғрисидаги низом 13-иловага** мувофиқ;

«Туризм фидойиси» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасининг тавсифлари 14 ва 15-иловаларга** мувофиқ;

Сотилган тушган маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланмайдиган қисми бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилмайдиган амалдаги ва бугунги кунда фойдаланилмаётган собиқ туризм соҳасидаги давлат активлари ва улар эгаллаб турган ер участкалари рўйхати 16-иловага** мувофиқ;

Коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар режаси) 17-иловага** мувофиқ;

Туризм соҳасида амалга ошириш тавсия қилинадиган инновацион бизнес гоя ва стартаплар рўйхати 18-иловага** мувофиқ тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Чора-тадбирлар режаси бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борилишини ҳамда мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 10 санасига қадар ахборот киритилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг амалдаги автоматлаштирилган махсус электрон дастури негизда жисмоний шахсларнинг мулки бўлган турар жойларни ижарага беришининг Ягона Реестрини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Турар жойларни ижарага беришининг Ягона электрон реестрини юритиш ва уларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом 19-иловага** мувофиқ тасдиқласин.

3. Белгилансинки:

а) Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ чиқиш туризми йўналиши бўйича туроператор ва турагент фаолиятини амалга ошириш учун қўйилган қўйидаги лицензия талаблари 2021 йил 1 августдан кучга кирди;

туроператор ва турагентнинг фуқаролик жавобгарлигини сугурталашни тасдиқловчи сугурта полисининг мавжудлиги;

15 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдоридagi маблағлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузурида Хавфсиз туризм жамғармасига захира қилиб қўйиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги «Туристарга хизмат кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда –

«Туристарга хизмат кўрсатиш маркази» ДУК) туризм ахборот марказлари (кейинги ўринларда – Марказ) фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

Марказ тизими орқали бошқа ташаббускорлар томонидан ташкил этилган ва тегишли ҳудудларда фаолият олиб бораётган марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

барча марказларга керакли методик ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларни зарур ахборот ва тарғибот материаллари билан таъминлаш;

марказлар реестрини юритиш ва мониторингини олиб бориш;

марказлар фаолиятида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

в) «Туристарга хизмат кўрсатиш маркази» ДУК томонидан ташкил этилган марказлар учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давлат мулки объектлари, шу жумладан устав фондида 50 фоиз ва ундан ортик миқдорда давлат улushiга эга юридик шахсга тегишли бўлган бинолар ва ер участкалари доимий фойдаланишга белул асосда ажратилади;

г) Марказ ташкил этиш жойни белгилаш Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

д) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига аэропорт, темир йўл вокзали ҳамда давлат мулки объекти бўлган, шу жумладан устав фондида 50 фоиз ва ундан ортик миқдорда давлат улushiга эга юридик шахсга тегишли бўлган автовокзалларда Марказ ташкил этиш учун ажратилган майдонлардан текин фойдаланиш ҳуқуқи берилади;

е) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртмасига асосан «Давлат белгиси» давлат унитар корхонаси «Туризм фидойиси» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминлади;

ж) «Чорвоқ» сув омборида моторсиз, муқобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи ҳамда махсус вазифаларни бажариш ваколатига эга бўлган вазирлик ва идораларнинг моторли сув транспорт воситаларидан ташқари барча моторли сув транспорт воситаларининг ҳаракатланиши, шунингдек, Чирчиқ дарёси ва унинг ирмоқларида (махсус ажратилган сув ҳавзаларидан ташқари) чўмилиш, транспорт воситаларини ювиш ва майиш чикиндиларни ташлаш тақиқланади;

з) жойлаштириш воситасининг турини аниқлаш ва ўрнатиш халқаро стандартлаштириш ташкилотининг стандартлари асосида фақатгина Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 1 июлдан бошлаб 2023 йил 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан чекка қишлоқ ва тоғли жойларда оилавий меҳмон уйлари ташкил қилиш харажатларининг 30 %гача, лекин 10 миллион сўмдан ошмаган миқдорда, камида 5 йил давомида фаолият олиб бориш ҳамда белгиланган тартибда ташриф буюрувчиларни автоматлаштирилган махсус электрон дастура киритиб бориш шарт билан белгиланган тартибда компенсация қилиш бўйича таклифларига розилик берилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланмайдиган рўйхат асосида айрим муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, шунингдек, давлат ўрмон фонди участкалари ҳамда бошқа ҳудудларда амалга ошириладиган тоғ, трек, чанги, велосипед, мотоцикл, гор туризми, отда сайр қилиш ва туризмнинг бошқа махсус турларидagi экскурсияларнинг бошланиш қисмида енгил конструкцияли туризм ахборот марказлари (таширф марказлари – Visitor center) фаолиятини йўлга қўйиш учун туризм соҳасининг субъектларига ўрнатилган тартибда муайян муддатга вақтинчалик фойдаланишга берилади.

Шу билан бирга, ушбу соҳада зарур идоравий ахборот тизимлари, электрон ресурс ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги қоғозда иш юриштидан воз кечиш, давлат ижтимоий хизмати ёки ёрдами тасдиқ этиш вақтини қисқартириш имкониятини бермапти.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдами тасдиқ этишининг ягона тизимини яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

2019 йилнинг 1 октябрдан Сирдарё вилоятида тажриба лойиҳаси доирасида бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам (кейинги ўринларда – ижтимоий нафақалар) тайинлашни кўриб чиқиш ва белгилаш тартиб-таомиллари «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколат-хонасининг гранти асосида бериладиган молиявий, техник ва эксперт кўмаги асосида амалга оширилмоқда;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимини республика бўйлаб жорий этиш учун компьютер ускуналари ва периферия қурилмаларини сотиб олиш Жаҳон банки имтиёзли кредити ҳисобига амалга оширилди;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими эгаси ва фойдаланувчиси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобланади.

2. Белгилансинки:

2020 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб, ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари 1-иловага** мувофиқ босқичма-босқич «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими воситасида амалга оширилади;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими «Электрон ҳукумат» тизимининг таркибий қисmidир;

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда – шахсий идентификация рақами) «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида жисмоний шахснинг идентификатори ҳисобланади;

давлат ижтимоий хизматлари ёки ёрдами тасдиқ этиш доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг идораларо электрон ҳамкорлиги «Электрон ҳукумат» тизими идораларо интеграцион платформаси орқали амалга оширилади.

3. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимини жорий этишининг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:

идораларо электрон ҳамкорлики қўллаш воситасида ўзаро ҳужжат алмашиш жараёнини автоматлаштириш орқали давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдами тасдиқ этиш учун зарур бўлган маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатлар сонини тубдан қисқартириш;

белгиланган мезонларга мувофиқ кам таъминланган оилаларнинг эҳтиёжмандлик даражасини объектив баҳолаш, давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдами тасдиқ этиш жараёнларини автоматлаштириш орқали қарорларни қабул қилишда субъектив ёндашувни бартараф этиш;

аҳолининг эҳтиёжманд тоифаси таркиби ўзгариши динамикаси мониторингини ва таҳлилини юритиш, уларни баҳолаш мезонларини республика ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисоба олган ҳолда такомиллаштириш;

давлат ижтимоий хизматлари ва ижтимоий ёрдам олувчиларнинг доимий янгилашиб турадиган ягона маълумот базасини шакллантириш;

манфаатдор вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда хизматларни бепул ёки имтиёзли асосда тасдиқ этиши учун маълумот билан таъминлаш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдами тасдиқ этишда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2-иловада назарда тутилган ҳужжатлар ва маълумотлар фуқаролардан талаб этилишига йўл қўйилмайди; «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали белгиланган тартибда кам таъминланган деб эътироф этилган шахслар ёки оилалар қўшимча ҳужжатлар ва маълумотномаларни тасдиқ этмасдан 3-иловага мувофиқ хизматлар ва имтиёزلарни ҳам олишга ҳақлидир;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлик тўғрисида маълумотнома ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тасдиқ этилади ва ўн икки ой давомида амал қилади.

5. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими ва манфаатдор вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари ўртасида ўзаро электрон ҳамкорлики янада яхшилаш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Дастур ижроси устидан доимий мониторинг ўрнатсин ва чора-тадбирларни бажариш муддатларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга nisбатан жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлидлар киритиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг вазирлик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, унинг ҳудудий бўлимлари ва туман (шаҳар) бўлимларига «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими жорий этилишини ва фаолият кўрсатишини таъминлаш учун 5-иловага** мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақланадиган штат бирликларини ажратиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, маъzur қарорнинг 5-илоvasида кўрсатилган штат бирликларининг;

200 таси меҳнат органларининг инспекторлар ва мутахассислари штат бирликлари;

125 таси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизими штат бирликлари;

100 таси давлат солиқ хизмати органлари штат бирликлари мақбуллаштирилиши ҳисобидан ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратда тасдиқланган штат бирликлари доирасида фуқароларнинг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали ижтимоий нафақаларни тайинлашга оид мурожаатлари ва шикоятларини қабул қилиш бўйича шубҳаси ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2021 йилнинг 1 январига қадар «ФХД»нинг ягона электрон архиви» ахборот тизимида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (кейинги ўринларда – ФХД» органлари) архивларида қоғоз ташувчиларда сақланаётган ҳужжатларнинг электрон базалари шакллантирилишини таъминласин.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар ФХД» органлари архивларида қоғоз ташувчиларда сақланадиган ҳужжатларнинг электрон маълумотлар базаларини шакллантириш учун зарур бўладиган қўшимча ҳодимларни вақтинча ишга жалб этиш ва уларни жойлаштириш чораларини кўрсин, уларга зарур бўлган компьютер ва бошқа ортехника воситалари, офис жиҳозлари, канцелярия товарлари, телефон ва интернет алоқаси билан таъминласин, шунингдек, архив ҳужжатлари билан ишлаш тартибига қатъий риоя қилинишини назорат қилсин.

**Қарорға 1, 4–5-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг асосланган ҳисоб-китоблариغا мувофиқ ФХДЭ бўлимлари архивларида қозғош ташувчиларда сақланадиган ҳужжатларнинг электрон маълумотлар базаларини шакллантириш, шунингдек, шартнома асосида ходимларни вақтинчалик жалб этиш ҳамда зарур компьютер ва бошқа оргтехника воситаларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетни ҳисобидан 30 млрд сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

Белгилансин:

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан мазкур қарор доирасида компьютер ва бошқа оргтехника воситалари, истисно тариқасида, энг яхши тақлифларни таллаб олиш орқали харид қилиниши мумкин;

«ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимида ФХДЭ органларининг архивларида қозғош ташувчиларда сақланадиган ҳужжатларнинг электрон маълумотлар базаларини шакллантириш бўйича тадбирлар тўлиқ якунлангандан кейин, ушбу қарор доирасида харид қилинган компьютер ва бошқа оргтехника воситалари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тақсимотига мувофиқ тегишли туманлар (шаҳарлар) умумтаълим муассасаларига белгиланган тартибда бегараз ўтказиб бериласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашган платформаси орқали «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими билан идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари ўртасида сифатли ва тўлақонли ахборот алмашилувини таъминласин, бунда Молия вазирлигига ҳар томонлама, шу жумладан зарур техник кўмак берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш» лойиҳаси доирасида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими тўлақонли ва сифатли ишлаши учун зарур бўлган серверлар, компьютер ва бошқа техника воситалар, асбоб-ускуналари сотиб олишни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда босқичма-босқич «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими функционал имкониятларини кенгайтиришни;

«ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимида ариза берувчининг оила аъзолари таркибини аниқлаш функцияси жорий этилгандан сўнг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими томонидан ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун аризалар электрон тарада онлайн режимида қабул қилинишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка тижорат банклари билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар маълумотлар тақдим этиш маҳфиллиги ва ёпиқлигини таъминлаш асосида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номига олинган пул ўтказмалари ва очилган депозит ҳисобварақларидаги қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинганда ариза

берувчилар ва уларнинг муомалага лаёқатли оила аъзолари розилиги билан тақдим этиш имкониятини яратиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавуқолдода вазирлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат боғжона кўмитаси, Мудофаа саноати давлат кўмитаси ўзларининг ҳамда таркибидаги ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари, уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари) томонидан ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилалар учун назарда тутилган бошқа давлат ижтимоий хизматларини олиш учун «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аризалар тақдим этилишни чеклаш ва уларнинг кўриб чиқилишига йўл қўймаслик чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2021 йил 1 январга қадар «ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимидаги фуқаролик ҳолати далолатнома ёзуварлига фуқароларга тегишли бўлган шахсий идентификация рақамини бириктириш орқали ариза берувчининг оила аъзолари таркибини аниқлаш функцияси жорий этилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, ижтимоий нафақаларни тайинлашда устуворлик даражасида нисбатан пастроқ бўлган оилаларга берилиши назарда тутилсин;

икки ой муддатда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этишининг ягона тизимини жорий этиш, ижтимоий нафақаларни, хизматларни ва ёрдамни тайинлашда асос қилиб олинadиган муҳтожликни аниқлаш мезонларини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилингунга қадар Сирдарё вилоятининг кам таъминланган оилаларига «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилсин.

15. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу қарор мақсади ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 4 август
ПҚ-4797-сон.

ЎЗР Президентининг 2020 йил 4 августдаги ПҚ-4797-сон қарорига
2-ИЛОВА

2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРИ ВА ЁРДАМНИ ТАҚДИМ ЭТИШДА ФУҚАРОЛАРДАН ТАЛАБ ЭТИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИГАН ҲУҶЖАТЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАР РЎЙХАТИ

1. Доимий яшаш учун рўйхатдан ўтганлик тўғрисида маълумотнома.
2. Оила таркиби тўғрисидаги маълумотнома, болалар сони ва уларнинг ёши тўғрисидаги маълумотнома, туғилганлик тўғрисидаги

- гувоҳнома, вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳнома, турмуш қурганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ажрашганлик тўғрисидаги гувоҳнома.
3. Автотранспорт воситаси мавжудлиги ва унинг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотнома.

4. Оиланинг (оила аъзоларнинг) расмий даромадлари тўғрисидаги маълумотномалар.

5. Кўчмас мулкнинг мавжудлиги, кўчмас мулк ҳажми, фойдаланувда бўлган ернинг бонитети тўғрисидаги маълумотномалар.

6. Иш қидирувчи, ишсиз, жамоат ишлари билан бандлик мақоми берилганлиги тўғрисидаги маълумотномалар.

7. Пенсия ва нафақа кўринишидаги даромадлари, 1 ва 2 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар эканлиги тўғрисидаги маълумотнома.

8. Меҳнат фаолияти билан вақтинча шугулланиш имкониятини бермайдиган касалликнинг мавжудлиги, ногиронлик

гуруҳининг мавжудлиги, доимий парваришга муҳтож оила аъзосининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномалар.

9. Банк пластик картасининг мавжудлиги, тўловлар ва ведомостларни юбориш, тўланган маблағлар тўғрисидаги ҳисоботлар, оила аъзоларига келиб тушган пул ўтказмалари, банк пластик картаси қолдиқлари тўғрисидаги маълумотномалар.

10. Оила аъзоларининг қимматли қозғолар билан амалга оширган операциялари, дивидендлар олинганлиги тўғрисидаги маълумотномалар.

11. Талабалар сафида мавжудлиги, стипендия миқдори, ўқиш шакли (кундузги, сиртки), ўқиш тури (давлат гранти, тўлов контракт) тўғрисидаги маълумотномалар.

ЎЗР Президентининг 2020 йил 4 августдаги ПҚ-4797-сон қарорига
3-ИЛОВА

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЯГОНА РЕЕСТРИ» АХБОРОТ ТИЗИМИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛА СИФАТИДА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ОИЛАЛАРГА БЕПУЛ ЁКИ ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА КЎРСАТИЛАДИГАН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ВА ЁРДАМЛАР РЎЙХАТИ

1. Давлат мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловидан озод этиш.

2. Мактабгача таълим муассасаларида ўрнатилган миқдорларда ота-оналар тўловини тўлаш.

3. Умумий ўрта таълим мактабларида дарсликлар ижара тўловларидан озод этиш.

4. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун қишки кийим-бош бериш.

5. Айрим фанларни ўқитишга ихтисослаштирилган умумий ўрта мактаблар ўқувчиларини овқатланиш харажатларидан озод этиш.

6. Санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, «Баркамол авлод» марказлари ва бошқа мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқиш харажатларидан озод этиш.

7. Кам таъминланган оилаларнинг ногирон аъзоларини протез – ортопедия буюмлари билан таъминлаш.

8. Ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида бепул махсус (амбулатор ёки кундузги) тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича йўлланма (ордер) олиш.

Изоҳ: «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали мазкур иловани кўрсатилмаган бошқа ижтимоий хизматлар ва имтиёзлар ҳам жорий этилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш орқали камайтириш, мамлакатда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш, шунингдек, «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон Фармони ва «Санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, туризм соҳасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон қароридан белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Қуйидагилар:

Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низоми 1-иловага** мувофиқ;

Туристик хизматларни сертифицирлаштириш ва туристик индустрия объектларини таснифлаш тартиби тўғрисидаги низоми 2-иловага** мувофиқ;

Туроператор ва турагентлик хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низоми 3-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш бўйича хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низоми 4-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида хостеллар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низоми 5-иловага** мувофиқ;

Хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига чартер рейсларининг ташкил қилиш харажатларини компенсация қилиш учун маблағлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низоми 6-иловага** мувофиқ;

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиши учун туризм соҳаси субъектларини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низоми 7-иловага** мувофиқ;

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 10.07.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарорга 1–21-шловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ДИҚҚАТ, ОБУНА!

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ 2021 йил учун обуна кампаниясини бошлаб, муштарийларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига

ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарингизни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертанидан фойдаланган ҳолда 2021 йилга обунани расмийлаштиришни таклиф этамиз.

ОБУНАЧИЛАР УЧУН БОНУСЛАР

186, 172 индекслари остидаги босма нашрларга йиллик обунани расмийлаштирган обуначилар бонуслардан фойдаланган ҳолда куйидаги имкониятларни қўлга киритадилар:

1) «Norma» ўқув марказининг 2 та семинари ва 12 та вебинарида иштирок этиш;

2) «Norma» ўқув марказининг семинарлари (иккитадан ташқари) ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиш;

3) «Жавоб берамиз» хизматининг экспертларидан бухгалтерия хисоби, солиқ солиш, меҳнат қонунчилиги ва ҳўжалик ҳуқуқи масалалари бўйича 12 та оғзаки ва 4 та ёзма маслаҳатларни олиш;

4) «Gorod skidok» дисконт дастурининг ҳамкор ташкилотлари (кафе ва рестороанлар, дўкон ва сервис марказлари)да иш, рўзғор ва онла учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда қатъий белгиланган сийловлар олиш ҳуқуқини берадиган «Normальная карта» дисконт картасидан фойдаланиш;

5) «Roytax» радиоси орқали ўз раҳбарингиз ёки бош бухгалтерингизни таваллуд кунлари билан қўтлаш имконияти (FM 103,5 – ўзбек тилида ёки FM 107,2 – рус тилида – танловга қўра).

Қўшимча БОНУСЛАР

обунани фақат имтиёзли давр – 2020 йилнинг 31 августига қадар расмийлаштирган обуначилар учун:

6) 2020 йилнинг сентябрдан декабрь ойига қадар «Norma» ўқув марказининг 1 та семинарида иштирок этиш;

7) «Norma» ўқув марказида 30 академик соат ҳажмида 1 та масофали курсда (танловга қўра) ўқиш учун сертифицикатга эга бўлиш (1 та обуна – 1 китоб);

8) дастлабки 500 нафар обуначига – «Қўшилган қиймат солиғи» китобини олиш учун ҳуқуқ берилади (1 та обуна – 1 та китоб)



Қўшимча маълумотларни (0-371) 200-00-30 телефони ва www.norma.uz сайтидан олиш мумкин.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

да, Обуначи нашрларни янги манзилга etkazиб бериш масаласини почта бўлими билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрларни манзилга etkazиб беришнинг таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

11. Тахририят нашрлар чикарилишига қараб ҳар ой якуни бўйича Обуначига электрон хисобоварак-фактура тақдим этади. Обуначи ҳар ойда тақдим этилган электрон хисобоварак-фактураларни улар олинган пайтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун мобайнида тасдиқлаши шарт.

12. Ақцепт муддати 2020 йил 25 декабргача қилиб белгиланади. Агар Тахририят томонидан Ақцепт ва пул маблағлари ушбу муддатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб хисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилади.

13. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобдор бўлади.

14. Обуначи томонидан Ақцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабабли нашрларни etkazиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Тахририят Обуначи олдида жавобдор бўлмайди.

15. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдиндан қўра олманган, оқилона қоралар билан олинган ололмаган фавқуллодда тўлашга воқеалар натижасида энгб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланishi окибатида юз берган бўлса, жавобдор бўлмайди.

16. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганилиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш кунни мобайнида хабардор қилишлари керак.

17. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибиде ҳал этилади.

18. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муддати – 2020 йил 25 декабргача.

19. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ

100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1

Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш.,

Навоий кўч., 22

Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001.

Тошкент ш. «KDB Bank Uzbekistan» банкда

МФО 00842

СТИР 305504530, ИФУТ 58130

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди:

326010039431.

Тел./факс (371) 147-11-72.

Баходир КАНОМОВ,

МЧЖ директори.

1. «NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юритилади, мазкур таклиф билан Тошкент шаҳри ёки республика минтақаларида жойлашган (истикомат қилдиган), куйида таклиф қилинаётган шартларни тўлалигича (ўзи таллашган нашрларни хисобга олган ҳолда) ва суъсиз қабул қилишни билдирадиган шахс (бундан кейин – Обуначи) билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2021 йилга обуна шартномасини (бундан кейин – Шартнома) тузишга тайёр эканлигини билдиради. Тахририят ва Обуначи кейинги Уриларда биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шаклда буйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми хисобланган буюртманомана-ақцептни (бундан кейин – Ақцепт) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида Тахририятни хабардор қилади. Ақцептнинг барча устуновлари тўлиқ, қисқарттиришларсиз, аниқ-равшан, босма харфлар билан тўлдирилиши керак. Ақцепт (78) 147-11-72 факс, obuna@norma.uz электрон почтаси орқали жўнатилиши ёки Тахририятга Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй манзили бўйича келтириб берилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.

3. Тахририят 2021 йил учун Ақцептда кўрсатилган нашрларга (Обуначининг танловига қўра) обуна қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Тахририят Ақцептти олган вақтдан бошлаб тузилган хисобланади ва кучга киради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

5. Обуначи обуна қиймати мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ 2020 йил 25 декабргача кечикмасдан тўлаши шарт.

6. Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Тахририят хисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Ақцептга бинван белгиланган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақни юз фоиз (100%) олинган тўлаш. Тўлов Тахририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

7. Тахририят унинг хисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Ақцепт мавжуд бўлганда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Тахририят почта бўлими орқали расмийлик доирасида Обуначига у томонидан Ақцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ қайд этилган нашрларни наватдаги сон чикити билан кўрсатилган манзил бўйича etkazиб беришни ташкил қилади.

9. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ etkazиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта бўлимига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ etkazиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

10. Etkazиб бериш манзили ўзгарган тақдир-

АВ КАМОМАДИ – БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА

? Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхонада инвентаризация натижалари бўйича тўлиқ амортизацияланган асосий воситанинг камомати аниқланди.

1. Асосий восита камомати қандай бухгалтерия проводкалари билан акс эттирилади?

2. Бу қандай солиқ оқибатларини юзага келтиради?

1. Инвентаризация ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш 16-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» (АВ томонидан 2.11.1999 йилда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Мол-мулк камомати айбдор шахслардан ундирилади. Айбдор шахс мавжуд бўлмаса ёки уни аниқлашнинг имкони бўлмаса, камомат корхона харажатларига ҳисобдан чиқарилади (19-сон БҲМСнинг 5.70-банди).

Бухгалтерия ҳисобида инвентаризация вақтида аниқланган мол-мулк камомати айбдор шахслар аниқлангунга қадар 5910-«Камоматлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счётида акс эттирилади. Мол-мулк камоматини ҳисобга олиш бўйича бухгалтерия проводкалари Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низомда (АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1334-сон билан рўйхатдан ўтказилган) келтирилган.

2. Иш берувчининг мулки ўғирланганда, кам чиққанда, қасддан йўқотиш ёки қасддан бузиш натижасида ҳамда бошқа ҳолларда етказилган зарар ҳажми бозор қиймати бўйича ҳисобланади (Низомнинг 2-банди). Бунда асосий воситанинг тўлиқ амортизацияланганлиги аҳамият касб этмайди.

Корхона томонидан камомат айбдорини аниқлашнинг имкони бўлмаганда, кам чиққан АВни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарар бозор қиймати бўйича эътироф этилади. Ушбу зарар суммаси фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегирилмайди (СК 317-м. 10-б.).

Қимматликлар камоматини ҳисобдан чиқарилишини расмийлаштириш учун тақдим этилаётган ҳужжатларда тегов ёки суд органларининг айбдор шахслар йўқлигини тасдиқлайдиган ёки айбдор шахслардан зарар ундирилиши рад этилган қарорлари бўлиши керак (19-сон БҲМСнинг 5.70-банди).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ХУДУДНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

? Бизнинг МЧЖ корхона ҳудудининг ичкарасидаги йўлларга (бинолар орасидаги) асфальт ётқазди. Ушбу харажатлар ободонлаштириш счётига киритилган.

Ушбу харажатлар қандай ҳисобга олинади ва қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?

– Корхона ичкарасидаги ҳудудларни асфальтлаш харажатлари ер майдонларини такомиллаштиришга оид харажатлар ҳисобланади. Ерни ободонлаштириш билан боғлиқ барча харажатлар 0850-«Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» счётида ҳисобга олинади.

Ободонлаштириш ишлари тугаганидан кейин капитал қўйилмалар суммаси асосий воситалар таркибига киритилади ва бундан кейинги ҳисоб 0111-«Ерни ободонлаштириш» счётида юритилади.

Ободонлаштириш қиймати амортизация орқали давр харажатларига киритилади. Жамланган амортизация суммаси 0211-«Ерни ободонлаштиришнинг эскириши» счётида ҳисобга олинади.

Фойда солиғини солиш мақсадларида амортизация суммаси СК 306-моддасига мувофиқ харажатларга киритилади.

Ерни ободонлаштириш мол-мулк солиғи солиш объекти ҳисобланмайди.

Замира Жўраева, «Norma» МЧЖ эксперти.

РЕКЛАМА

«СОЛИКЛАР: САВОДЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Галлиевларкои куч. -111.
Тел: (998 71) 210-0090. E-mail: office@norma.uz, xcb: www.norma.uz

1. (Обуғчиликнинг маълуми: асосийликнинг ёки давлат рўйхатининг ўзиникилик, суверенитетининг қўриқиб тутилганлиги, қўриқилганлиги, қўриқилганлиги, қўриқилганлиги, қўриқилганлиги)

«Norma Davlati Nashriyati» МЧЖ оммавий офенисига
ИЛОВА

2020 йил « ____ » _____

асосида аял килувчи

ТЯМСОЛИДА,

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2020 йил 11 августига 32 (1356)-сонига эълон қилинган оммавий офенига шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳақида 2021 йил учун қўйилган наشريга обуна бўлади:

Индекс	Наширининг номи	2021 йил учун обуна нархи (тўлов қилинган МҲЭҚМ/М/б)	Нусхага берилган миқдори (фой)	Умумий сўм (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Norma мағлаҳатчи» газеталари (йилга 52 сон)	2,3		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилга 52 сон)	1,6		
197	«Norma мағлаҳатчи» илсисий-хўкуий газетаси (йилга 52 сон)	1,2		
172	«Налоговые и таможенные вести» ва «Norma» газеталари (йилга 52 сон)	2,3		
165	«Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилга 52 сон)	1,6		
173	«Norma» илсисий-хўкуий газетаси (йилга 52 сон)	1,2		

2. Тўлаш учун умумий сўмма ҚҚС билан _____ сўмини ташкил қилади.

3. Етказиб бериш учун манзил (босма харафлар билан аниқ қилиб тўйдирилади): _____

Минтақа / Вилоят _____ шаҳар/туман, _____

Мўлжал _____ (интернет, ўртаклик, уюмлик, кўчи, дала, мизок, уй, м. томи)

4. Ботганиш учун телефон: _____

5. Алоқа боғловчи шахс: _____ (ф.и.ш.)

ОБУНАЧИ РЕКВИЗИТЛАРИ:

СТПР _____

ИФЛУТ _____

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____

Почта манзили _____

Телефон _____

Факс _____

Х/р _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____

Банк коди _____

М.У. _____

(ваколатли мансабдор шахс имзоси, тўлиқ фамилияси, иси ва отаси исмининг бош харафлари)

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ ОЛИБ...

Мамлакатимизда жорий этилган бугунги пандемия шароитида ҳам тадбиркорлик субъектлари барча карантин чораларига қатъий амал қилган ҳолда ўз фаолиятларини тўлиқ ҳажмда ташкил этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фаолият юритувчи экспортчи корхоналар мамлакатимизда етиштирилган, ишлаб чиқарилган ва қайта ишланган маҳсулотларни Хитой, Россия, Туркия, Қозғистон, Латвия, Бангладеш, Тожикистон, Афғонистон каби бир қатор давлатларга экспорт қилмоқда. Хусусан ҳудудда етиштирилаётган ўзига хос ноёб маҳсулотлардан бўлмиш қизилмия илдизи жаҳон бозорига хариддорлиги билан ажралиб туради. Тадбиркорларнинг ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишларида эса божхона хизмати органлари уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб келишмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси «Нукус» ТИФ божхона пости ходимлари Кегейли туманида жойлашган қизилмия экстракти экспорти билан шуғулланувчи «Lankomiyu» кўшма корхонасида бўлиб, тадбиркорлик субъекти фаолияти билан яқиндан танишишди, муаммоларни ўрганишди.

Ўтган йиллар давомида жаҳон андозаларига мос энг илғор ускуналарнинг олиб кирилишида давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари бош омил бўлди. Тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватлангани эвазига биргина 2019 йилда божхона тўловларидан қарийб 2 млрд сўмлик имтиёзлар тақдим этилган. Бу



имтиёзлардан оқилона фойдаланган корхона тез фурсатларда қорақалпоқ заминда етиштирилаётган қизилмия илдизини йиғиш ва уни қайта ишлаш фаолиятини йўлга қўйди ва бунинг оқибати ўларок 320 нафар маҳаллий аҳолини доимий иш билан таъминлади.

– Давлатимиз томонидан яратилган имкониятлар ҳамда божхона органлари томонидан кўрсатилаётган амалий қўмак биз тадбиркорларга ўз фаолиятимизни самарали амалга оширишда катта туртки бўлмоқда, – дейди корхонанинг ташқи ишлар бўйича масъул ходими Омирбай Сарсенбаев. – Ярим тайёр маҳсулотларни экспорт қилишда божхона расмийлаштирув жараёнлари қисқа фурсатларда амалга оширилмоқда. Йил бошидан буён 4 млн 313 минг АҚШ доллари миқдоридagi 881 тонна қизилмия экстракти АҚШ

ва Хитой давлатларига экспорт қилинди.

Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Термиз» ТИФ божхона пости орқали жорий йилнинг етти ойи давомида 85,1 млн АҚШ долларилек 102,4 минг тонна товар-маҳсулотларнинг экспорти расмийлаштирилган.

Тадбиркорлар товарларни божхона расмийлаштирувдан ўтказиш учун электрон хужжатларни божхона постларига жўнатмоқда. Божхона органлари эса ўз навбатида, хавфни бошқариш тизими орқали божхона юк декларацияларини яшил, сариқ ва қизил йўлақларга йўналтиради. Маҳсулотлар асосан Хитой, Афғонистон, Россия ва Покистон сингари мамлакатларга етказиб берилаётган.



«Транзит операцияси»га чек қўйилди

Товарларни божхона чегаралари орқали ноқонуний равишда олиб ўтиш мақсадида хужжатларни сохталаштиришга бўлган навбатдаги уринишнинг олди олинди.

Мазкур ҳолат Давлат божхона кўмитасининг Тошкент ва Хоразм вилояти божхона бошқармалари ходимлари томонидан ўзаро ҳамкорликда фош этилди. Республикамиз ҳудудидан транзит тарзида ҳаракатланаётган юк поездидаги контейнерлардан бири «Ўзбекистон» темир йўл чегара божхона постида божхона назоратидан ўтказилди. Контейнердаги товарлар юзасидан тақдим этилган йўл юк кузатув хужжатлари ўрнатилган тар-

тибда кўздан кечирилганда хужжатлардаги имзо ва муҳрлар божхоначиларда шубҳа уйғотади.

Шундан сўнг хужжатларда қайд этилган МЧЖнинг раҳбари А.Ш. билан боғланилганда, ушбу шахс ҳам йўл юк кузатув хужжатларидаги имзо ва муҳрлар ўзига тегишли эмаслигини маълум қилди. Шу зайдда контейнердаги 1 095 та телевизор, 271 та кондиционер ва бошқа товарларнинг сохта хужжатлар асосида божхона чегарасидан олиб ўтилишига чек қўйилди.

Вактинча сақловга олинган мазкур товарларнинг умумий қиймати дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 1 млрд сўмдан ошар эди.

Курьерлик жўнатмаси: ҳам ялтиради, ҳам «қалтиратди»

Бугунги кунда товарларни ноқонуний йўл билан муомалага киритишни қасд қилганлар почта ва курьерлик жўнатмаларидан «самарали» фойдаланмоқда.

Хусусан заргарлик буюмларини юртимизга турли ноқонуний йўллар билан олиб киришга бўлган уринишлар бунга мисол бўла олади. «Бош почта» ТИФ божхона постида хорижий давлатдан курьерлик ташкилоти орқали фуқаролар Т.А., И.Ж.,

✓ ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

НАСЛДОР МОЛ – БАРАКА МАНБАИ

Самарқанд вилоятининг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган энг муҳим йўналишлардан бири бу чорвачилик тармоғи ҳисобланади.

Вилоятда чорвачилик учун барча имкониятлар мавжуд – ер кенг, озуқа мўл, иқлими қулай. Шу боис бугунги кунда Самарқанд юртимиз бозорларига гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб берувчи етакчи ҳудудлардан бирига айланган.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва кўнчилик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган 20 млрд сўмгача миқдордаги кредитлар учун компенсация тақдим этилиши тармокни янада тақомиллаштириш эвазига аҳолини арзон ва сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш имконини берди.

2020 йилнинг январ-июль ойлари давомида Самарқанд вилоятига чет давлатлардан 426 бош наслдор моллар келтирилди. Жумладан, Самарқанд туманидаги «Маҳмурдов Олтинжон Чорвачилик» фермер хўжалигига Россиядан 32 бош, Ургут туманидаги «Сурхон чорва насл» фермер хўжалигига Латвиядан 31 бош, Оқдарё туманидаги «Турон» фермер хўжалигига Австриядан 31 бош наслдор моллар ва Пастдарғом туманидаги «Янгиобод чорва насл моллари» фермер хўжалигига Чехиядан 203 бош симментал зотли буқалар олиб келинди.

Эслатиб ўтамиз, республика Президентининг 29.05.2013 йилдаги ПҚ-2460-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2019 йилдаги П10-сон қарорлари билан мамлакатимизга насли чорва моллар олиб кирилаётганда божхона тўловларидан имтиёзлар бериш наазарда тутилган.



ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Д.Д., Д.Р., Т.С., У.Ш. номига юборилган курьерлик жўнатмалари тегишли тартибда божхона кўригидан ўтказилганда жўнатмаларда юк кузатув хужжатларида кўрсатилмаган 87 хилдаги, оғирлиги 5,4 кг бўлган умумий қиймати 81,7 млн сўмлик заргарлик буюмлари борлиги аниқланди.

Бошқа ҳолатда эса почта жўнатмалари орқали хатто гиёҳванд ўсимлик уруғларини жўнатиш ҳолатлари учрайди. «Халқаро почта» орқали хорижий фуқаро томонидан юртимизда истиқомат қилувчи бир қатор фуқаролар номига юборилган почта жўнатмалари орасидаги фонарлар Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Бошпочтамт» ТИФ божхона пости ходимлари эътиборини ўзига тортди. «Совга-саломлар» тегишли тартибда божхона назоратидан ўтказилганда фуқаролар А.Н., А.Б. ва С.Ф. номига юборилган почта жўнатмаларидаги фонарларнинг ички қисмларига жами 66 дона «Каннабис» ўсимлиги уруғлари яширилганлиги аниқланди.

Ҳозирда божхона органлари мазкур ҳолатлар юзасидан суриштирув ҳаракатларини бошлаб юборган.

ДБК, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари божхона бошқармалари ахборот хизматлари.

✉ ПОЧТА КУТИСИ

КАРАНТИН ШАРОИТИДА БОЖХОНА

Қулай санитария-эпидемиологик муҳитни таъминлаш мақсадида мамлакатимиз Бош вазири бошчилигида Ўзбекистон Республикасига коронавирус кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссия ташкил этилган эди (29.01.2020 йилдаги Ф-5537-сон). Комиссия коронавирусни профилактика қилишнинг замонавий ва самарали усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек профилактик ва эпидемиологияга қарши комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиради.

Шуни қайд этиш керакки, карантин чора-тадбирларига сўзсиз риоя қилишни талаб қилар экан, Ўзбекистон ҳозирга қадар ҳам юкларни олиб ўтишга чекловларни жорий этмади ҳамда айни вақтда юкларнинг чегарадаги божхона постлари орқали тезкор тарзда олиб ўтилиши ва узлуксиз божхона расмийлаштирувдан ўтишини таъминлаб келмоқда.

ДБКга ТИФ иштирокчиларидан келаётган саволлар юзасидан қуйидаги маълумотни тақдим этамиз.

– **Карантин шароитларида божхонадаги товарлар билан қандай «муомала қилинмоқда»?**

– Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг божхона органлари келаётган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувини барча санитария-эпидемиологик меъёрларга амал қилган ҳолда доимий ва белгиланган тартибда амалга ошириб келаётдилар.

– **Агар товарга ишлов берилмаётган бўлса, унга ишлов бериш ва сақлаш харажатлари учун**

корхонага қўшимча тўлов учун ҳисоб тақдим этиладими?

– Ўзбекистонда карантин чора-тадбирлари белгиланганига қарамай, тадбиркорлик субъектларига ортикча юк бўладиган божхона тартиб-таомилларига нисбатан ҳеч қандай қўшимча йўғим ёки тўловлар жорий этилгани йўқ.

– **Карантин шароитларида божхона омборидаги товарни сақлаш божхона режимига ўтказиш мумкин бўладими? Бундай ўтказишнинг қандай шартлари, афзаллик ва камчиликлари бор?**

– Божхона кодексининг 26-моддасига мувофиқ товарларнинг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши ваколатли шахсларнинг товарларни божхона режимларидан бирига жойлаштириш ва мазкур божхона режими талаблари ҳамда шартларига риоя этиш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Ваколатли шахс товарларнинг ва транспорт воситаларининг хусусияти, миқдори, ишлаб чиқарилган мамлакат ёки қайси мақсадга мўлжалланганлигидан қатъи назар, **исталган божхона режимини танлашга ёки уни бошқа божхона режимига ўзгартиришга** ҳақли.

Танланган божхона режими божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун божхона органига тақдим этиладиган божхона декларациясида декларант томонидан маълум қилинади.

Божхона омбори божхона режими шундай режимки, бунда божхона ҳудудига олиб кирилган ва божхона ҳудудидан олиб чиқиш учун мўлжалланган товар божхона божлари, солиқлар тўланмаган ҳамда иктисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда муайян биноларда (жойларда) божхона назорати остида сақланади.

Товарни мазкур божхона режимига жойлаштириш БКнинг 14-боби ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Божхона омбори божхона режимига ҳар қандай товар, шу жумладан илгари бошқа божхона режимига жойлаштирилган товар жойлаштирилади, қуйидагилар бундан мустасно:

- божхона ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган товар;
- божхона ҳудудидан олиб чиқилиши тақиқланган Ўзбекистон товари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона ҳудуди орқали транзит қилиниши тақиқланган товар;
- божхона омбори божхона режимига жойлаштириш учун маълум қилинган кундаги яроқлилик мuddати БКнинг 94-моддасига мувофиқ маълум қилинадиган мuddатдан кам бўлган дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари.

Мазкур режимда турган товар божхона омборида сақланиши керак, бундан БКнинг 93-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

Агар товар вақтинча олиб кириш ёки божхона ҳудудига қайта ишлаш божхона режимига турган бўлса, у ҳолда товар вақтинча олиб кириш ёки божхона ҳудудига қайта ишлаш режимларининг амал қилишини тўхтатиб туриш мақсадида божхона омбори божхона режимига жойлаштирилиши мумкин.

Товарни божхона омбори божхона режимига жойлаштириш учун декларант божхона органига БЮДни ва товарнинг кузатув ҳужжатларини тақдим этади. Товар божхона омбори режимига **3 йил** туриши мумкин.

Товарни божхона омборига жойлаштирган шахс мазкур божхона режимини унинг амал қилиш мuddати БКнинг 98-моддасига мувофиқ тугагунга қадар тугаллаш ҳуқуқига эга.

ЖАҲОН НАРХЛАРИДАГИ ТЕБРАНИШЛАРНИ

? **Карантин (пандемия) шароитларида айрим турдаги товарларнинг бозор нархлари тушмоқда, айримлариники эса, аксинча, кўтарилмоқда.**

Ҳозирда қандай баҳолаш усуллари қўлланилмоқда?

– Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қиймати Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқномага (АВ томонидан 13.01.1998 йилда 390-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ божхона баҳолашининг 6 та усули билан белгиланади.

Олиб кириладиган товарга доир битимнинг қиймати бўйича аниқлаш усули (1-усул) олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг асосий усули ҳисобланади.

1-усул қўлланилганда товарнинг божхона қиймати бўлиб битим қиймати ҳисобланади, яъни олиб кириладиган товар Ўзбекистон божхона чегарасини кесиб ўтаётган пайтда товар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган, БКнинг 304-«Олиб кириладиган товарга доир битим нархига киритиладиган харажатлар» моддаси ва 305-«Олиб кириладиган товарга доир битимнинг нархидан чиқариб таш-


ланадиган тўловлар ва харажатлар» моддаси қоидалари ҳисобга олинган ҳолда тузатилган нархдир.

БК 306-моддаси талабларига мувофиқ товарнинг божхона қийматини аниқлашда декларант ёки божхона брокери томонидан фойдаланилган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланмаган тақдирда 1-усулдан божхона қийматини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин бўлмайди.

Агар олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг асосий усулини (1) қўллаш мумкин бўлмаса, қуйидаги усуллар кетма-кетликда қўлланилади:

- айнан бир хил товарга доир битимнинг қиймати бўйича (2);
- ўхшаш товарга доир битимнинг қиймати бўйича (3);
- қийматларни чегириб ташлаш асосида (4);
- қийматларни қўшиш асосида (5);
- захира усул (6).

Бунда ҳар бир кейинги усулнинг қўлланилишига, агар божхона қийматини аниқлашда олдингисидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, йўл қўйилади. Қийматларни чегириб ташлаш



ва қўшиш усуллари тескари кетма-кетликда қўлланилиши мумкин.

2-усул божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун асос сифатида айнан бир хил товарга доир битимнинг қиймати қабул қилинишини назарда тутди (БК 309-м.).

3-усулга мувофиқ олиб кириладиган товарнинг божхона қиймати БКнинг 310-моддасида кўрсатилган шартларга риоя этган ҳолда ўхшаш товарга доир битимнинг қиймати бўйича аниқланади.

4-усул учун баҳоланаётган товарнинг божхона қийматини аниқлашда асос сифатида:

- божхона ҳудудига дастлабки ҳолати ўзгармаган ҳолатда;

• баҳоланаётган товар божхона ҳудудига олиб кирилгунга қадар 90 календарь кун ичида катта миқдорларда (бир нечта туркумларда);

• шундай товарни сотувчи билан ўзаро боғлиқ бўлмаган шахсга сотилаётган, баҳоланаётган, айнан бир хил ёки ўхшаш товар бирлигининг нархи қабул қилинишини назарда тутди.

Бунда баҳоланаётган, айнан бир хил ёки ўхшаш товар бирлигининг нархидан БКнинг 311-моддасида кўрсатилган харажатлар чегириб ташланади.

5-усул қўлланилаётганда асос сифатида товарнинг қуйидагиларни қўшиш орқали ҳисоблаб чиқарилган нархи қабул қилинади:

РАСМИЙЛАШТИРУВИ



Яроклилик, сақлаш, ишлатиш ва (ёки) реализация қилиш муддати чекланган товар мазкур муддат тугагунига қадар камида 180 календарь кундан кечиктирмай бошқа божхона режимга жойлаштириш учун маълум қилиниши ва божхона омборидан олиб чиқилиши керак.

– Карантин шароитларида товар реэкспорт ва реимпорт режимларига қандай расмийлаштирилади?

– Товарларни «Реэкспорт» ва «Реимпорт» божхона режимларига расмийлаштириш БКнинг 6 ва 10-бобларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

– Карантин шароитларида товар божхонадан қай йўсинда олиб кетилади, бунинг қадам-қадам механизми қандай? Масалан, дейлик, корхона Самарқандда жойлашган, юк эса

Тошкентдаги омборга келиб тушган бўлса нима қилинади?

– БКнинг 247-моддасига мувофиқ божхона расмийлаштируви божхона органлари жойлашган ерда ва уларнинг иш вақтида амалга оширилади.

Божхона расмийлаштируви декларантнинг ёки бошқа ваколатли шахснинг сўровига кўра ва унинг ҳисобидан бошқа жойларда ҳамда божхона органининг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши мумкин.

Божхона расмийлаштируви божхона органига товарлар ва (ёки) транспорт воситалари хусусида ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан эътиборан бошланади. БКнинг 162-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса, оғзаки маълум қилинган ёхуд жисмоний шахснинг божхона расмийлаштирувини амалга ошириш ниятидан далолат берувчи бошқа ҳаракатлар бажарилган пайтдан эътиборан бошланади.

Божхона расмийлаштируви божхона органи ва декларант ёхуд ваколатли шахс ўртасидаги товарларни божхона режимга жойлаштириш ва (ёки) божхона режимининг амал қилишини тугаллаш, божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ёхуд БКда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тартибга солинганидан кейин тугалланади.

Божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви:

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ветеринария, фитосанитария назорати, экологик назорат ва бошқа турдаги давлат назорати амалга оширилганидан кейин;

- агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, мазкур ҳужжатларнинг мавжудлиги тасдиқланганидан кейин тугалланади.

Товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни текшириш божхона декларацияси қабул қилинган ва барча зарур ҳужжатлар ҳамда маълумотлар тақдим этилган кундан эътиборан 3 иш куни ичида божхона органи томонидан амалга оширилади. Кўрсатилган мазкур муддат бошқа давлат органлари томонидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари юзасидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган вақтни ўз ичига олмайди.

Бундан ташқари, божхона назорати ва расмийлаштируви тартиб-таомилларини ўтказишнинг умумқабул қилинган тартибидан ташқари, божхона органлари ўз фаолиятларини эпидемиологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда барча санитария-эпидемиологик меъёр ва тадбирлар талаблари ва кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда амалга оширмоқда.

Анвар МУҲАММАДИЕВ,

ДБҚ Божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

а) баҳоланаётган товарни тайёрлашда сарфланган материалларнинг қиймати ҳамда ишлаб чиқариш ва (ёки) ишлов бериш харажатлари;

б) БКнинг 312-моддаси «а» бандида акс эттирилмаган умумий харажатларнинг ҳажми ва баҳоланаётган товар ишлаб чиқарилган айна ўша мамлакатда ишлаб чиқарилган айна ўша классдаги ва турдаги товарни Ўзбекистон Республикасида сотишда одатда экспорт қилувчи томонидан олинадиган фойда;

в) БК 304-моддаси биринчи қисмининг «а» бандида кўрсатилган харажатлар.

Агар товарнинг божхона қийматини юқорида кўрсатилган уни аниқлаш усуллари кетма-кетликда қўллаш натижасида декларант ёки божхона брокери томонидан аниқлаш мумкин бўлмаса, баҳоланаётган товарнинг божхона қиймати божхона қийматини аниқлаш усуллари муддатларни қўллаш, товарларнинг ишлаб чиқарилган мамлакатини, айнан бир хиллигини ёки ўхшашлигини аниқлашга доир талабларини бир мунча қайишқоқлик билан қўллаш орқали аниқланади.

Захира усулни (6) қўллашда божхона органи декларант ёки божхона брокерига ўз ихтиёрида мавжуд бўлган нархлар тўғрисидаги ахборотни тақдим эта-

ди. Божхона органи захира усулни тўғри қўллаш мақсадида шундай ахборотни йиғиб боради.

Декларант ёки божхона брокери томонидан маълум қилинадиган товарнинг божхона қиймати ва уни аниқлашга тааллуқли тақдим этиладиган маълумотлар тўғри, миқдорий жиҳатдан аниқлаш мумкин бўлган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотга асосланган тақдирда товарнинг маълум қилинадиган қиймати унинг божхона қиймати сифатида қабул қилиш учун кўрилади.

Бунда бозор конъюнктурасининг ўзгаришлари унинг шаклланишига таъсир кўрсатмайди, сабаби маълум қилинадиган нарх аввалбошдан ташқи савдо операциялари вақтидаги жаҳон бозор нархларининг силқинишларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.



Бахтиёр ТУРДИЕВ,

ДБҚ Божхона тўловлари бошқармаси бўлимининг бошлиғи.

«Божхона» бўлимини Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

Товар импорти учун контракт тузилган, контракт суммасининг 50 фоизи ҳажмида олдидан тўлов тўланган, юк олиниб, божхонада расмийлаштирилган.

Корхона хорижий ҳамкор билан келишган ҳолда контракт суммасини камайитиши мумкинми? Бу ўринда қандай солиқ ва божхона оқибатлари юзага келади?

ФАКТУРА ҚИЙМАТИГА ТУЗАТИШ КИРИТИНГ

– Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 30.09.2003 йилдаги 416-сон қарорига 1-илова) билан ташқи савдо контрактларига ва инвойсга қўйилган энг кам талаблар белгиланган. Улардан бири контрактнинг нархи ва умумий суммаси тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд бўлиши ҳисобланади (товарнинг нархини белгилашда контрактда товарнинг ўлчов бирлиги, товар бирлиги нархи ва контрактнинг умумий суммаси кўрсатилади).

Мазкур Низомда шу билан бирга контракт шартларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар қўшимча битим билан қайд этилиши ҳамда контрактлар билан бўлгани сингари тартибда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилади.

Контракт суммасининг камайиши товарга нархнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган тақдирда, божхона қиймати-га тузатиш киритиш БКнинг 320-моддасига мувофиқ товарнинг божхона қиймати-га нисбатан эмас, балки фактура қиймати-га нисбатан расмийлаштирилади.

ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ: АУКЦИОН ОРҚАЛИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

? Ломбард умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Миқдос қарз суммасини тўламаган тақдирда, шартнома муддати тугагач заргарлик буюмларига бўлган мулкчилик ҳуқуқи ломбардга ўтади. Заргарлик буюмлари аукционда сотилганда ломбард фойда ёки зарар қўради, чунки буюмни сотиш нархи барча харажатларни қопламаслиги мумкин. Ломбард заргарлик буюмларини аукцион орқали сотганда зарар қўрган ҳолларда ҚҚС ва фойда солиғи бўйича қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?

– Ломбард заргарлик буюмларини аукцион орқали сотганда ҚҚС ва фойда солиғи бўйича солиқ оқибатлари юзага келади.

Заргарлик буюмларини ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда сотиш қиймати ҚҚС бўйича солиқ базаси ҳисобланади (СК 248-м. 1-қ.).

Заргарлик буюмларини сотишдан олинган даромад фойда солиғи бўйича жами даромад таркибига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 1-б.). Сизнинг ҳолатда заргарлик буюмларининг сотилишига товар-

ларни реализация қилиш сифатида қаралади.

Бунда шуни ёддан чиқармаслик керакки, агар битимдаги хизматлар нархи бозор нархларидан фарқ қилса ва бу солиқ базасининг камайишига ёки солиқ тўловчининг зарари ошишига олиб келса, солиқ базаси СК VI бўлимига мувофиқ аниқланган бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

СКнинг VI бўлими 2022 йил 1 январдан кучга киради (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонунинг 6-м. 6-қ.).

ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШДА НОРЕЗИДЕНТНИНГ ДАРОМАДЛАРИДАН СОЛИҚ

? Компания ускуна етказиб беришга импорт шартномасини тўзди. Етказиб бериш шarti – СИР Тошкент. Инвойда ташиш ва етказиб беришни суғурталаш алоҳида сатрларда кўрсатилган. Норезидентдан олинган даромад солиғи бўйича қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

– Халқаро ташишлар бўйича хизматларни кўрсатишдан даромадлар ҳамда Ўзбекистондаги манбалардан олинган ва доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган Ўзбекистон Республикасида юзага келадиган таваккалчиликларни суғурталаш, биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш шартномалари бўйича тўланадиган суғурта мукофотлари даромад ҳисобланади, улардан солиқ ҳисобланади ва хорижий компанияга даромад тўлайдиган солиқ агентда ушлаб қолинади (СК 351-м. 2-қ. 7, 9-б.).

СИР Тошкент юк етказиб бериш шартлари халқаро ташиш деб эътироф этилади (СК 351-м. 2-қ. 9-б.).

Сиз Ўзбекистон Республикасида юзага келадиган хатарларни суғурталаш ҳақини тўлаган бўлсангиз, солиқ мажбуриятлари юзага келади. Хорижда юзага келадиган хатарлар суғурталанган бўлса, солиқ оқибатлари юзага келмайди.

Норезидентнинг даромадларидан солиқ ставкалари қуйидагиларни ташкил этади:

➢ суғурта, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари – 10%;

➢ халқаро ташишлар – 6% (СК 353-м. 2, 3-б.).

Ўзбекистон Республикаси томонидан хорижий ҳамкорингиз солиқ резиденти ҳисобланган давлат билан солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган халқаро шартнома имзоланган бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда корхонангиз солиқни пасайтирилган ставкалар бўйича ушлаб қолиши ёки солиқ хорижий компания жойлашган давлатда тўланиши мумкин. Бунинг учун хорижий компания солиқ резиденти ҳисобланган мамлакат резидентлиги сертификатини тақдим этиши лозим (СК 357-м.).

Азизахон ТОШХҲАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЛОТЕРЕЯ ЮТУҒИ: СОЛИҚЛАР ВА ҲИСОБ

? Корхона томонидан лотерея чипталари ўйналмоқда, ютуққа автомобиль қўйилган.

1. Лотереяда ўйналган автомобилнинг жисмоний шахсга берилиши реализация қилиш бўйича айланма деб эътироф этиладими?
2. Бу қандай бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади?

1. Лотереяда ютиб олинган автомобилнинг жисмоний шахсга берилиши бу текин бериш ҳисобланади.

Автомобилни текин беришга ҚҚС солинади, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган шундай ҳолатлар бундан мустасно (СК 239-м. 1-қ. 2-б.). Иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган деб эътироф этиш шартлари СК 239-моддаси 3-қисмида келтирилган.

Автомобиль ютиб олган жисмоний шахсда ЖШДС солинадиган моддий наф тарзидаги даромад



юзага келади (СК 376-м. 1-қ. 2-б., 387-м. 1-қ. 2-б.).

Жисмоний шахсининг моддий наф тарзидаги даромадлари фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайди (СК 317-м. 3-б.).

2. Лотереяда ютиб олинган автомобиль жисмоний шахсга берилганда бухгалтерия проводкалари қуйидагича бўлади:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Лотереядаги ютуқ тан олинди	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Ғолибга автомобиль берилди	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	2910-«Омбордаги товарлар»


МАКТАБГА КОМПЬЮТЕРЛАР СОВҒА ҚИЛИНДИ

? Ташкилот ҳада шартномасига асосан мактабга компьютерларни ҳада қилди. Компьютерлар берилиши қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?

– Мол-мулк текин берилганда ҳада қилиш шартномаси расмийлаштирилади (ФК 502-м.). Ҳада қилувчи юридик шахс бўлганида, ҳада қилиш шартномаси оддий ёзма шаклда тузилиши лозим (ФК 504-м. 3-қ.). Ушбу қоида мол-мулк қандай қиймат, муайян нарх ёки ноль қолдиқ қиймати бўйича берилаётганидан

қатъи назар, барча битимларга татбиқ этилади. Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади (ФК 109-м. 3-қ.).

Шунингдек ҳисобварақ-фактура ва мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштириш лозим.



СОЛИҚ ВА ХАБАРЛАРИ
БОЖХОНА

Молиявий-иқтисодий,
ахборот-ҳуқуқий газета

ТАЪСИСЧИ
«Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040.
Ҳафтада бир марта шешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҮРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Раъно
ИСМАИЛОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
ТЕЛЕФОН/ФАКС
Тахририят: (71) 200-00-90;
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165, Қўғоз бичими – А3, Ҳажми – 4 босма табоқ, Баҳоси келишилган нархда. Буюртма г-815. Адади 630. Газета 2020 йил 10 август соат 15.30 да топширилди.